O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

**Da'vat**

*Odamlar o'qishdan to'xtashlari bilan fikrlashdan ham to'xtaydilar.*

**Deni DIDRO**

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931 yildan chiqa boshlagan · 2003 yil 29 yanvar, chorshanba · № 9 (7514)

**Ibrat**

*Bag'dod tumanidagi Otxona mahalla fuqarolar yig'ini tashabbusi bilan mahallada hashar yo'li va homiylar ko'magi bilan bolalar uchun sport majmui bunyod etilmoqda.*

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### FARMON

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining xususiy sektorini jadal rivojlantirishni rag'batlantirish, mamlakat iqtisodiyotida uning roli va ahamiyatini tubdan oshirish, xususiylashtirilgan korxonalarni korporativ boshqarish tizimini takomillashtirish maqsadida "O'zbekiston iqtisodiyotida xususiy sektorning ulushi va ahamiyatini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni matbuotda chop etildi.

### QAROR

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining mamlakat transporti kommunikatsiyalarini, Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarini iqtisodiy va ijtimoiy rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, tabiiy yer osti boyliklari konlarini o'zlashtirish loyihalari amalga oshirilishini jadallashtirish, shuningdek respublika janubiy mintaqalarining ijtimoiy infratuzilmasini rivojlantirish maqsadida «Toshguzar — Boysun — Qumqo'rg'on» yangi temir yo'l liniyasi qurilishini jadallashtirish to'g'risidagi qarori matbuotda e'lon qilindi.

# САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА



**Мадрид, 27 январь. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади:**

Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз делегацияси бугун Мадридга етиб келди. Ўзбекистон ва Испания давлат байроқлари билан безатилган "Эл Пардо" қироллик саройида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислом Каримов ва Қирол Хуан Карлос Биринчи фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари жойлашган қароргоҳда Испания Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Р.Мигел томонидан Ўзбекистон делегацияси учун қабул маросими уюштирилди.

Шундан сўнг Ислом Каримов Испания қироллик хонадонининг расмий қароргоҳи бўлмиш "Сарсуэла" саройига ташриф буюрди. Бу ерда Қирол Хуан Карлос Биринчи билан учрашув бўлди. Самимий суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ҳамда халқаро муаммоларга оид кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Оқшом саройда олий мартабали меҳмон шарафига Испания Қироли номидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Сафар давомида Ислом Каримовнинг Испания ҳукумати Раиси, Сенат ҳамда Депутатлар конгресси доимий қўмиталарининг аъзолари, Мадрид мэри, ишбилармонлар билан учрашувлари режалаштирилган. Ташриф дастурида мамлакатимиз раҳбарининг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Ф.Франжиали билан мулоқоти ҳам кўзда тутилган.

**Мадрид, 28 январ. ЎзА махсус мухбири Озод РАЖАБОВ хабар қилади:**

Мадрид марказидаги «Леалтад» майдонида мамлакат озодлиги йўлида жон фидо қилган курашчиларга атаб ёдгорлик мажмуи бунёд этилган. Испанияга давлат ташрифининг иккинчи кунини Президент Ислом Каримов ана шу ёдгорлик пойига гул қўйишдан бошлади.

Испания Сенатида ушбу мамлакат парламенти етакчи вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Таъкидламоқ жоизки, қадимий Испанияда олий мартабали меҳмонни кутиб олишнинг ўзига хос анъаналари мавжуд. Шунга биноан, аввал икки давлат мадҳиялари янгради.

Сўнг Президентимизга Сенат ва Депутатлар конгрессининг медали тақдим этилди. Ислом Каримов Сенатнинг қадимий ва бой кутубхонаси билан танишиб, «Олтин китоб»га дастхат битди. Испан қонунчилари мамлакатимиз раҳбарига мамлакатнинг 1978 йили қабул қилинган конституциясининг нодир нусхасини тақдим этди.

Сенат ва Депутатлар конгрессининг раҳбарлари - Хуан Хосе Лукас Хименес ҳамда Руди Убеда Луиза Фернанда, доимий қўмиталар раҳбарлари иштирокида ўтказилган қўшма йиғилишда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар ҳақида сўзлади. Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов маҳаллий анъанага биноан суворийлар қуршовида Мадрид мэриясига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини шаҳар мэри Хосе Мария Алварес дел Манзано кутиб олди. Бу ерда Ислом Каримовга Мадрид шаҳрининг рамзий «Олтин калити» тақдим этилди.

Мэр билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Испаниянинг тарихий шаҳарлари ўртасида қарор топган қадимий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш икки томон учун ҳам фойдали эканлиги таъкидланди. Мадрид билан Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида бевосита ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Куннинг иккинчи ярмида «Монклоа» саройида Президент Ислом Каримов ҳамда Испания ҳукумати Раиси Хосе Мария Аснар раҳбарлигида икки мамлакат делегацияларининг учрашуви бўлди. Музокарада Ўзбекистон билан Испания ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий алоқалар кўлами замон талаблари ва икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслиги қайд этилиб, келгусида ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида атрофлича фикр алмашилди.

Музокара якунида Ўзбекистон билан Испания ўртасида Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги битим, шунингдек, иқтисодиёт вазирликлари, ташқи сиёсат маҳкамалари ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Испаниянинг Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Испания сайёҳлик соҳасида дунёдаги етакчи ўринлардан бирида туради. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг (ЖСТ) қароргоҳи Мадридда жойлашгани ҳам бежиз эмас. Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташкилот Бош котиби Франческо Франжиали билан учрашуви чоғида Ўзбекистонда сайёҳликни янада ривожлантириш ва бу борада мамлакатимизнинг ЖСТ билан ҳамкорлигини кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари қайси давлатга ташриф буюрмасин, албатта, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашади. Мадрид сафари ҳам бундан мустасно бўлмади. Ислом Каримовнинг Испания Тадбиркорлар ва саноатчилар конфедерациясида бўлиб ўтган учрашувида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳият ва имкониятлари, мамлакатимизда хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликлар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Испанияга давлат ташрифи давом этмоқда.

***(ЎзА)***

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

"КАМОЛОТ" ЎЗ ЎРНИНГНИ ТОПДИНГМИ? *3-бет*

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ *4-бет*

ШОИР СИЙМОСИ *5-бет*

НАВОИЙНИНГ ГИДЕОНИСТИК ҚАРАШЛАРИ *5-бет*

ТЎЙЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР *6-бет*

НУРАФШОН ТОНГЛАР САРИ... *7-бет*

БУЛБУЛНИНГ БУЛБУЛГА ҲАСАДИ *8-бет*

ТАРОЗУ ҲАҚИ *8-бет*

## "ЙЎЛОВЧИДА НИМА АЙБ?

### ёхуд 35-автобус шофёрининг 35 хил қилиғи..."

**"Ma'rifat", 2003 йил, 4 январь**

"Ma'rifat"нинг шу йилги 4 январь сонида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети инглиз филологияси факультетининг 2-курс талабаси Шаҳноза Исматуллаеванинг "Йўловчида нима айб? Ёхуд 35-автобус шофёрининг 35 хил қилиғи..." номли мақоласи эълон қилинган эди. Унда пойтахтдаги йўловчиларга хизмат кўрсатиш аҳволи, жумладан, 20-, 35-йўналишдаги автобус шофёрларининг талаба-йўловчиларга муносабати танқид қилинганди.

Таҳририятимизга "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмасидан ушбу танқидий чиқишга жавоб хати келди. Уни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

"Маърифат" газетасининг 2003 йил 4 январь сонидаги "Луқма" рукни остида "Йўловчида нима айб? ёхуд 35-автобус шофёрининг 35 хил қилиғи..." сарлавҳали мақоласи "Тошшаҳарйўловчитранс" Давлат уюшмасида кўриб чиқилди.

Мақола Давлат уюшмасида автокорхона раҳбарларининг тасарруф бўйича ўринбосарларининг йиғи-

***Bizga javob beradilar***

лишида, 18-автокорхонада 20-, 35- ва 62-автобус йўналишлари ҳайдовчиларининг умумий йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди. Йўловчиларга нисбатан қўполликка йўл қўядиган, мавжуд бекатларга риоя қилмайдиган ҳайдовчилар танқид остига олинди.

2003 йил 22-23 январь кунлари Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети атрофидаги бекатларда текширув ўтказилиб, унда мақолада келтирилгани каби камчиликларга йўл қўйган ҳайдовчилар аниқланди ва уларга маъмурий жазо чоралари кўрилди. Ҳайдовчилар А.Абдуллаев ва Ш.Мусаевларга ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима солинди.

Ҳайдовчилар билан махсус йўриқнома ўтказилиб, уларга йўловчилар билан хушмуомалада бўлиш, йўл интизомига, бекатларга риоя этиш, мақолада келтирилган ҳолатлар такрорланса, қаттиқ жазо чоралари қўлланиши уқтирилди.

20, 35, 62-автобус йўналишлари ҳайдовчиларининг мавжуд бекатларга риоя этиб ишлашлари назорати "18-автобус саройи" ОАЖ ҳаракат хавфсизлиги бўлими бошлиғи Э.Мавлоновга, йўналишлар ишининг умумий назорати бошқарув раисининг тасарруф бўйича ўринбосари С.Жалоловлар зиммасига юкланди.

***Бошқарув раисининг ўринбосари М.МИРҚОСИМОВ"***




## *БИЛИМ ХАЗИНАГА МЕНГЗАЛГАН ДАРС*

**3-бетга қаранг**

***Б.РИЗО олган сурат***

**Суратда: "Йил Ўқитувчиси — 2002" кўрик-танлови республика босқичи иштирокчиси, Навоий шаҳридаги 10-мактаб ўқитувчиси Дилнаво Бахронова.**

***Dolzarb mavzu***

# КАСБИЙ ЛАЁҚАТ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

**Мамлакатимизда таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёнида умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган юз минглаб ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, бу борада психологик-педагогик ташхис ишларини самарали ва мукаммал даражада ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир ўқувчига қизиқиши ва лаёқатига мос равишда билим бериш, уни ўз қобилиятига мос касб-ҳунарга йўналтира билиш бевосита таълим сифати ва самарадорлигини оширишда ҳам муҳим омил саналади. Шу боис, мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳар ХТБлари қошида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари фаолият юритмоқда. Бу марказларнинг асосий вазифаси — ўқувчиларни туғма лаёқат, қизиқиш ва қобилятлари асосида маълум бир касбга йўналтириш, психологик-педагогик ташхис хизматларини ташкил этиш, касбий ахборот ва маслаҳат ишларини мақсадли, асосли равишда олиб боришдан иборат.**

**Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика Ташхис Маркази директори Ҳикматилла Рашидов билан бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган ютуқлар ва бартараф этилиши лозим бўлган масалалар хусусида суҳбатлашдик.**

***— Республикамизда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказлари ташкил этилганлигига қарийб 5 йил тўлди. Уларни ташкил этишдан кўзланган мақсадлар нималардан иборат эди ва бугунги кунда бунга канчалик даражада эришилди?***

— Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказлари Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарори асосида иш бошлади. Асосий мақсад — мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига ўйинлар орқали касблар олами ҳақида дастлабки тушунчаларни бериш, уларда бошланғич меҳнат кўникмаларини шакллантириш, умумий ўрта таълим мактаблари 1-9-синф ўқувчиларининг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асносида уларга узлуксиз равишда тизимлаштирилган касбий ахборотлар ва маслаҳатлар бериш, пировардида эса ҳар бир ўқувчининг онгли равишда касб танлаш имкониятларини яратишдан иборатдир. Касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказлари бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб, методик жиҳатдан раҳбарлик қилади. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришнинг асосий мақсади "Ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш" Концепциясида аниқ ва равшан кўрсатилган бўлиб, унда шундай дейилади: "... ёш авлодни онгли ва мустақил равишда келгуси таълим йўналишини (академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи) танлашига ёки шахснинг психофизиологик хусусиятлари, қизиқиши, қобилияти, мойилликлари ва жамиятининг кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда меҳнат қилиш соҳасини танлашга тайёрлашдан иборат".Бу борада ўтган давр мобайнида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, илмий-методик ишланмалар яратилди ва амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Албатта, янги тизимнинг тўлақонли фаолият кўрсатишига бирданига эришиш мушкул. Шу боис, биринчи навбатда, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда тадбиқ этишдан ташқари, тизимда фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг касбий малака ва кўникмаларини ошириш, касб-ҳунарга йўналтиришнинг мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳолатига мослаштирилган, жамиятнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар руҳига ҳамоҳанг замонавий, психологик-педагогик технологияларни яратишга бирламчи эътибор қаратилди.

***—Таъкидлаганимиздек, Мамлакатимиз халқ таълими тизимида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш борасида бутунлай янги тизим қарор топди. Шу боис, бу соҳада фаолият кўрсатувчи мутахассисларнинг роли ва масъулияти хусусида кўпчилик бохабар эмас, албатта. Бугунги кунда мактабларда бу иш билан ким шуғулланмоқда? Умуман олганда, тизимнинг барча механизмлари тўлақонли фаолият кўрсатиши учун нималар зарур, деб ҳисоблайсиз?***

— Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизмати юзасидан янги, ўзига хос тизим яратилди. Хўш, бу қандай тизим ва унинг бошқа ана шундай тузилмалардан фарқли жиҳатлари нимадан иборат, деган савол туғилиши табиий. Янги тизим бошқарув ва мувофиқлаштирув тузилмасигина эмас, балки мактабгача таълим ёшидан тортиб, то умумий ўрта таълим-

**(Давоми 2-бетда)**

*Ўзбек олимининг жўшқин фаолияти дунё бўйича ижобий баҳоланаётгани юртимиз илм-фанининг нуфузи ортиб бораётганидан ҳам далолат бериб турибди.*

*Ташхис Марказлари томонидан берилаётган тавсияномалар фақат маслаҳат мақомига эга ва уни олган битирувчи нуфузи ёки жойлашган манзилидан қатъий назар, ўзи хоҳлаган ЎМКҲТ муассасасига ҳужжат топшириш ҳуқуқига эга.*

**"Olimpiada — 2002"**

# НАТИЖА ИЗЛАНИШЛАР ТАЛАБ ЭТАДИ

Навоий вилояти умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган умумтаълим фан олимпиадасининг вилоят босқичи Навоий шаҳридаги академик лицей фаоллар залида ўтказилди.

Айтиш жоизки, ушбу синов босқичида фан асосларини пухта ва чуқур ўрганишга киришган 628 нафар ўқувчи иштирок этишди. Синовда қатнашганларнинг 28 нафари чуқур билимга эга эканликларини намойиш қилиб, олимпиаданинг Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Булар орасида инглиз тилидан 97 балл тўплаган Навоий шаҳридаги 8-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Одил Зарипов, она тили фани бўйича 97 балл тўплаган.академик лицейнинг 11-синф ўқувчиси Гулжаҳон Намозова, қозоқ тилидан 94 балл тўплаган Конимех туманидаги 36-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Жаннат Каржауова, биология фани бўйича 93,7 балл тўплаган Навоий шаҳридаги 19-лицейнинг 11-синф ўқувчиси Дилноза Асадова, математика фанидан 92 балл тўплаган Қизилтепа туманидаги 37-ихтисослашган мактабнинг 11-синф ўқувчиси Шоҳруҳ Рўзиқулов, немис тили фани бўйича 92 балл тўплаган Хатирчи туманидаги 27-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Ойбек Маматқуловлар ўзларининг билимдонлигини ота-оналар, меҳмонлар, устозлар олдида намойиш этишди. Эътиборлиси, билимдонлар баҳсида Навоий шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 8-мактаб, 1-ихтисослашган мактаб-интернати, 11-мактаб, 17-мактаблардан тўрт фан бўйича тўрт нафардан ўқувчилар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ютуқлар билан бир қаторда информатика ва тарих фанлари бўйича ғолиб аниқланмаганлиги бу борада янада чуқурроқ фаолият олиб борилишини талаб қилмоқда.

***Ўткир ПЎЛАТ***

# ЎЗБЕК ОЛИМИ "МАШҲУР КИШИЛАР" САҲИФАСИДА

Ўзбекистон Фанлар Академиясига хориждан хушхабар келди. Унда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, таниқли кимёгар олим профессор Зокиржон Салимов "Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти"нинг биринчи даражали мукофотига сазовор бўлганлиги мамнуният билан маълум қилинган эди.

Атоқли кимёгар олим бундай нуфузли халқаро мукофотни кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари бўйича амалга ошириб келаётган катта хизматлари эвазига қўлга киритди. Чиндан ҳам унинг бу йўналишдаги изланишлари мамлакатимизда кимё саноатини ривожлантиришда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Пахтани қайта ишлаш жараёнларида бундай тадқиқотлар яхши самаралар бермоқда. Унинг кенг қамровли натижалари халқаро аҳамияти билан ҳам чет эллик мутахассислар эътиборини ўзига тортмоқда.

Чиндан ҳам академик Зокиржон Салимов ўз изланишлари билан хорижда яхши танилди. Буни унинг жаҳонга машҳур Нью-Йорк Фанлар академияси аъзолигига сайланганлиги ҳам исботлаб турибди.

Англиянинг Кембриж шаҳрида ҳар йили чоп этиладиган "Инсон — муваффақият" халқаро қомусий нашрининг 16-жилдига унинг номи киритилиши ҳам муҳим воқеа бўлди. У чигитдан имкон қадар кўпроқ ёғ олишга қаратилган тадқиқотлари билан ҳам жаҳонга танилди. Бу каби изланишлари муносиб тақдирланди ҳамда унинг номи АҚШнинг Шимолий Каролина штатидаги Америка биография институти томонидан чоп этилаётган "Машҳур кишилар" халқаро китобига ёзилди.

Ўзбек олимининг жўшқин фаолияти дунё бўйича ижобий баҳоланаётгани юртимиз илм-фанининг нуфузи ортиб бораётганидан ҳам далолат бериб турибди.

***Акбар АЛИЕВ***



**Кичкинтойларнинг тасвирий санъатга, ранглар жилосига бўлган қизиқиши, интилиши илк ёшидан шаклланиб боради. Ранглар жилосини англай олган болакайнинг эса қалби ҳам эзгуликка йўғрилиб боради. Демакки, бу борада мактабгача таълим муассасаларидаги тарбиячиларнинг, услубчиларнинг олиб борадиган тасвирий санъат машғулотлари катта аҳамиятга эга.**

**Суратда: Сирғали туманидаги 598-мактабгача таълим муассасасининг услубчиси Муқаддас Бойматова катта гуруҳ тарбияланувчиларининг расм чизишини кузатмоқда.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

**Xabar**

# УСЛУБИЙ ХИЗМАТ ТАКОМИЛЛАШСИН

*Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда вилоят методика маркази ҳамкорлигида "Педагогларга узлуксиз услубий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш" мавзусидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унга вилоятнинг барча шаҳар, туман халқ таълими бўлимларининг методика кабинетлари мудирлари, илғор тажрибага эга бўлган педагоглар ҳамда институт тингловчилари таклиф этилди.*

*Ялпи йиғилишни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Ходжаев "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида педагогларга узлуксиз услубий хизматни такомиллаштириш истиқболлари мавзусидаги маърузаси билан бошлаб берди.*

*Шундан сўнг ВПХҚТМОИ проректори, педагогика фанлари номзоди, доцент Б.Латипов, институт маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректори О.Ҳошимова, вилоят методика маркази ходими М.Маҳмудовалар ҳам долзарб мавзудаги маърузалари билан чиқишди.*

*Ялпи йиғилишдан сўнг илмий-амалий анжуман қатнашчилари 8 та шўъбаларга бўлинишиб, турли йўналишларда амалий машғулотлар ўтказишди. Шўъбалар ишида 40 дан ортиқ тажрибалар ўртоқлашилди, савол-жавоб тренинги ўтказилди.*

*Риштон тумани халқ таълими бўлими методика кабинети мудири М.Норматов таассуротлари:*

*— Мен анжуманни ўз вақтида ташкил қилинган, деб ўйлайман. Чунки, жойларда узлуксиз услубий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда ўзига хос муаммоларга дуч келаяпмиз. Бугунги анжуманда ана шу муаммолар ечими бўйича кўрсатмалар берилди.*

*Айниқса, шўъбаларда олиб борилган машғулотлар таълим тизимининг барча йўналишларида узлуксиз услубий хизмат кўрсатишга доир йўл-йўриқларни белгилаб берди.*

***Акрамжон ТУРСУНАЛИЕВ,***
***"Ma'rifat"нинг махсус мухбири***

# Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

**САВОЛ:** Тошкентдаги "Ислом университети" ҳақида тўлиқ маълумот билишни хоҳлар эдик. Агар "Маърифат" газетасида Сизларга хизмат бўлса ҳам шу саволларга жавоб берсаларингиз жуда хурсанд бўлар эдик ва олдиндан миннатдорчилик билдирамиз. Андижон вилояти, Избоскан тумани Раҳимовлар хонадони.

1. Олийгоҳ манзили қаерда?
2. Олийгоҳнинг қандай факультетлари бор?
3. Олийгоҳ ҳам дастлаб бакалавр тайёрлаб кейин магистрлар тайёрлайдими?
4. Кириш имтиҳонлари қандай фанлардан бўлади?
5. Ижодий имтиҳонлар борми ёки йўқми?

**ЖАВОБ:** Қуйида Тошкент ислом университети раҳбарлиги томонидан тайёрланган маълумотнома берилади.

**ИСЛОМ ЗИЁСИ МАСКАНИ**

Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши Ўзбекистон мустақиллиги туфайли эришилган улкан ютуқлардан, ислом маданиятини тиклашдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Бугунги кунда Тошкент ислом университетида икки: ислом тарихи ва фалсафаси ҳамда фиқҳ, иқтисод ва табиий фанлар факультетлари фаолият юритмоқда. Университетда диншунослик, исломшунослик, демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти, Шарқ ва Ғарб тиллари, информатика ва ахборот технологияси кенг ва чуқур ўргатилмоқда.

Талабалар бакалавр босқичида 4 йил, магистратурада эса 2 йил билим оладилар. Университет таркибида исломшунослик илмий-тадқиқот маркази, қўлёзма манбалар хазинаси, университетни ривожлантириш жамғармаси, халқаро "ЮНЕСКО" ташкилоти конгресси дастури доирасида очилган "Жаҳон динларини қиёсий ўрганиш" кафедраси, нашриёт, илмий кутубхона ташкил этилган.

Университет қошида Академик лицей ташкил этилган. Унда 14-15 ёшдан таълим олиш имконияти яратилган.

Бугунги кунда университетда талабаларнинг ўқиши ва дам олишлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Университет энг замонавий ўқув-техника асбоб-ускуналари, компьютерлар билан жиҳозланган. Лингафон хоналари ҳамда интернет тармоғи мавжуд.

2000 йил май ойида университетга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин бошчилигидаги Россия делегацияси ташриф буюрди. Учрашув вақтида Владимир Путин Тошкент ислом университети фахрий талабалигига қабул қилинди.

Университет қошидаги қўлёзма манбалар хазинаси жадаллик билан манбаларни йиғиш ва илмий истеъфодага киритишга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирда хазинада 1000 га яқин нодир қўлёзма ва босма нашр китоблар мавжуд.

Бугунги авлод — аждодларимизнинг беназир мероси ворисларидир. Ислом маданияти мероси эса улар ичида мавқе, алоҳида эътиборга лойиқ. Ўрта Осиёнинг жаҳон маънавиятида тутган ўрни, сир-асрори ва сеҳри, шукуҳи, салмоғи, кўркини бутун дунёга ёйиш ислом зиёси маскани бўлмиш Тошкент ислом университети талабалари зиммасидаги масъулиятли ва муборак вазифадир.

Тошкент ислом университетида 4 та йўналиш мавжуд. Мазкур йўналишлардан "Диншунослик, исломшунослик", "Ислом ҳуқуқи" йўналишларида маънавият-маърифат ва чет тилидан ижодий имтиҳон, тарих, она тили ва адабиёти фанларидан тест синовлари, "Халқаро иқтисодий муносабатлар" йўналишида математика, чет тили, она тили ва адабиёти фанларидан, "Информатика ва информацион технологиялар" йўналишида математика , физика, она тили ва адабиёти фанларидан тест синовлари топширилади.

Тошкент ислом университети манзили:
Тошкент — 700011, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-уй.

# ҚАСБИЙ ЛАЁҚАТ ҚАНДАЙ АНИҚЛАНАДИ?

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

ни тугатгунга қадар бўлган даврда болалар ва ўқувчиларни узлуксиз касб-ҳунарга йўналтириш технологияси демакдир. Айнан шу жиҳат унинг устиворлигини таъминлайди. Бугунги кунда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари билан умумий ўрта таълим мактабларида 10 мингдан ортиқ амалий психолог ва касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассис шуғулланмоқда. Бироқ, касб-ҳунарга йўналтириш таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган бир ёки икки мутахассиснинг иши эмас. Бу — таълим жараёнига сингдирилган, унинг таркибида амалга оширилиши зарур бўлган интеграл-мажмуавий фаолият ҳисобланади. Шу боис, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш иши билан педагогик жамоанинг барча аъзолари бирдек шуғулланишлари лозим. Айнан шу жиҳат унинг устуворлигини таъминлайди.

Мазкур вазифани тўлақонли амалга оширишда, энг аввало, ҳар бир мактабда касб-ҳунарга йўналтириш, психологик хизмат, тиббий хизмат хоналарини талаб даражасида жиҳозлаш ва бу ишга мутасадди ходимларнинг касбий тайёргарлик даражасини кўтариш зарур. Бундан ташқари, "Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўналтириш" комиссияси вакиллари ҳам бу вазифага чуқур масъулият билан ёндашмоқликлари талаб этилади.

Ишнинг самарадорлигига ижобий таъсир этадиган яна бир омил — ҳудудий ташхис марказларининг моддий-техник аҳволи билан боғлиқ. Марказ ҳудудий тузилмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ахборот технологиялари, хорижий техник жиҳозлар ва ҳозирги замон методикалари билан тўлақонли таъминлаш зарур. Афсуски, ҳозирда бу ишлар талаб даражасида амалга оширилаяпти, деб бўлмайди. Айрим вилоят халқ таълими бошқармаларининг мутасадди раҳбарлари ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш масаласига панжа орасидан қараётганлиги ҳам таассуфланарли ҳол

***— Умумий ўрта таълим мактабларини тамомлаётган ўқувчиларга бугунги кунда қандай касб-ҳунарлар, мутахассисликлар бўйича таҳсил олиш тавсия этилмоқда? Турли мутахассисликларни ўзида жамлаган таснифлагич (классификатор) ўқувчиларнинг барча қизиқишларию, лаёқатларини қамраб олаяптими?***

— Ҳар бир умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган ва ўқув йили давомида фаолият кўрсатадиган ўқувчиларни, ЎМКҲТ муассасаларига йўналтирувчи комиссиялар Республика ташхис Марказининг илмий Кенгаши томонидан тавсия этилган махсус психологик-педагогик ташхис методикалари ёрдамида, ҳамда ўтказилган узлуксиз равишда (чораклар давомида) амалга ошириладиган ташхис натижалари асосида ўқувчиларга у ёки бу тайёрлов йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари ёки академик лицейларида таҳсил олиши мумкинлиги хусусида тавсиялар берилади. Афсуски, айрим касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга қабул жараёнида ҳамон Ташхис Маркази мутахассислари томонидан берилаётган тавсияларни инобатга олинмаётган ҳолатлар учрамоқда. Қизиғи шундаки, ЎМКҲТ муассасаларининг қабул қоидаларида ҳам ташхис Марказлари томонидан берилаётган тавсияномаларнинг муносиб ўрни ва аҳамияти белгиланмаган.

Амалдаги таснифлагичда касб-ҳунар коллежлари тайёрлов йўналишлари ва ихтисосликлар санаб ўтилган.

Таснифлагичнинг янги варианти янада мураккаблашди. У ўқувчилар ва ота-оналар, мактаб психологлари ва касбга йўналтирувчи мутахассисларнинг фойдаланиши учун ноқулайликлар туғдирмоқда. Шу ўринда бир жиҳатга эътиборни қаратмоқчи эдим: меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилаётганда, авваламбор, шу ҳужжат истеъмолчиларининг манфаатлари инобатга олиниши лозим. Таснифлагичнинг истеъмолчилари, биринчи навбатда, ўқувчи-ёшлардир. Улар шу тайёрлов йўналишлари ва ихтисосликлар бўйича таълим хизматларининг истеъмолчилари саналади. Демак, мазкур ҳужжат ҳам ўз истеъмолчилари ҳисобланган ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, касб-ҳунар коллежлари мутахассислари, иш берувчилар учун қулай ва фойдали бўлмоғи лозим. Тайёрлов йўналишлари, ихтисосликлар, касбларнинг янги рўйхатини ҳамкорликда ишлаб чиқиш, унда бўлажак касбларга қўйиладиган махсус талаблар (тиббий, психо-физиологик, жинсий ва бошқалар) кўрсатилиши эса касбга йўналтириш, касб танлаш, касбий мослашиш жараёнларини самарали амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчилари асосан ўз ҳудудларида жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тавсиянома олмоқдалар. Демак, ҳар бир ҳудудда жойлашган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари мутасаддилари ҳам умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар ўртасида ўз тайёрлов йўналишлари бўйича касб-ҳунарга йўналтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишлари лозим. Айрим академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мактаб ўқувчилари, ота-оналар учун "Очиқ эшиклар" кунлари ўтказилмоқда. Бу иш барча ЎМКҲТ муассасаларида мактаблар билан ҳамкорликда амалга оширилиб, уни янада кенг қамровли ва аниқ мақсадли бўлишига эришиш долзарб аҳамиятга эга.

Касб-ҳунар коллежлари ўз ҳудудида, биринчи навбатда, "касбий муҳитни" ташкил қилмоғи лозим. Коллеж остонасига қадам қўйган ўқувчи, шу коллежда ўқитиладиган касб-ҳунарларнинг жозибаси, аҳамияти, ижтимоий ўрни, келажакдаги мавқеи, ушбу касбнинг таниқли намоёндалари, қолаверса шу соҳа мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар андозалари билан яқинроқ таништирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

***— Ўқувчиларнинг касбий лаёқат, қизиқиш ва қобилиятлари қай тарзда аниқланмоқда? Бу борада узлуксизлик таъминланаяптими? Ўтган давр мобайнида яратилган турли методикалар, қўлланмалар етарли даражада ва барча талабларга жавоб беради, деб бўладими?***

— Амалиётда ўқувчиларнинг касбий лаёқат, қизиқиш, қобилиятлари махсус психологик-педагогик ташхис методикалари ёрдамида ўрганилади ва шу асосда аниқланади. Бу тажриба нафақат республикамизда, балки кўпгина етакчи хорижий давлатлар тажрибасида ҳам кенг қўлланилади. Республика Ташхис Маркази мутахассислари томонидан ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ этилаётган ўнлаб психологик-педагогик ташхис методикалари мавжуд. Сўнгги йилларда жойлардаги ҳудудий ташхис марказлари, мактаблар амалий психологларининг ташхис методикалари банки ҳам анча бойитилди. Бироқ, шуни унутмаслик кераки, бир ёки икки методика ёрдамида ўтказилаётган "бир марталик ташхис" объектив, реал хулосаларга асос бўлиб хизмат қилмайди. Ҳар қандай лаёқат, қизиқиш, қобилият ҳам фақат амалий фаолият жараёнида кўпроқ намоён бўлади.

Ўтказилаётган психологик-педагогик ташхиснинг узлуксизлиги ва хулосаларнинг объективлигига эришиш борасида 2002-2003-ўқув йилидан бошлаб 1-9-синф ўқувчилари учун "Психологик-педагогик ташхис дафтари" жорий этилди. Бундан кўзланган мақсад — ҳар бир ўқувчининг лаёқат, қизиқиш ва қобилиятларини йиллар давомида бўлса-да ўрганиб бориш, тегишли касбий маслаҳат тадбирларини белгилаш ва уларни изчил амалга ошириш билан бир қаторда, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтиришни "бир марталик иш" сифатида эмас, балки уни узлуксиз жараёнга айлантиришдир.

Ҳозирги кунга қадар яратилган методика ва қўлланмалар Республика Ташхис Маркази мутахассисларининг қисқа муддатли фаолиятининг маҳсули. Уларни ҳали етарли даражада ва мукаммал, деб бўлмайди. Бу йўналишда изланишлар, тажрибалар тинимсиз равишда ўтказилмоқда. Яқин йиллар давомида ушбу ишлаб чиқилган методикаларнинг ишончлилик даражасини (валидлилигини) доимий равишда ошириб бориш бизнинг асосий вазифаларимиз сирасига киради.

***— Бугунги кунда ЎМКҲТ муассасаларида 300 дан зиёд йўналишлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Туман ва шаҳар ташхис марказларида ушбу мутахассисликлар бўйича ахборотлар мавжудми?***

— Албатта, *ЎМКҲТ* муассасаларида тайёрланаётган мутахассисликлар бўйича маълумотлар билан туман, шаҳар ташхис марказлари тўла таъминланган. Республикада фаолият кўрсатаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, улардаги тайёрлов йўналишлари тўғрисидаги тўплам Республика ташхис Маркази томонидан чоп этилиб, жойларга етказилди. Шунингдек, *ЎМКҲТ* тизимида тайёрланаётган касблар таснифлагичи "Maktab va hayot" журналига илова сифатида нашр қилиниб, барча мактабларга юборилди. Вилоятлар, туман ва шаҳар ташхис Марказлари мутахассислари томонидан академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг жойлашиши ҳамда уларнинг тайёрлов йўналишлари бўйича ахборотларни жамлаш борасида умумий ўрта таълим мактабларида касбий ахборот, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

***— Шу кунгача умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини битирган барча ўқувчиларнинг неча фоизи тавсияномалар асосида ЎМКҲТ муассасаларида ўқишни давом эттирмоқда?***

— 2001-2002-ўқув йилида 9-синфни тамомлаган ва тавсияномa олган ўқувчиларнинг 34,2 фоизи касб-ҳунар коллежларида, 3,6 фоизи эса академик лицейларда, қолган ўқувчилар эса ўз мактабларида ўқишни давом эттирмоқдалар. Битирувчилар умумий ўрта таълим мактабларида психологик-педагогик ташхисдан ўтгач, ўз лаёқат, қизиқиш ва қобилиятлари асосида тегишли тавсияномалар олишади. Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, мазкур битирувчиларнинг 76 фоиздан ортиғи тавсияномада белгиланган тайёрлов йўналиши бўйича *ЎМКҲТ* турини танлаган.

***— Айни пайтда республикамизда ягона ҳисобланган ЎМКҲТ муассасаларида (масалан, эстрада-цирк, мусиқа, рассомчилик, хотин-қизлар коллежларида) муайян тор йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда. Мазкур таълим муассасаларида таҳсил олиш истагида бўлган ёшларнинг лаёқати ва қобилиятлари қандай мезонлар асосида, кимлар томонидан аниқланади? Мамлакатимизнинг турли вилоятларида истиқомат қилувчи ёшларга асосан пойтахтимизда жойлашган ушбу таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар бериладими?***

— Таъкидланганидек, айрим *ЎМКҲТ* муассасалари тайёрлов йўналишлари юқори нуфузга ёки махсус хусусиятга эга бўлганлиги боис, ушбу илм даргоҳларида ўқишни истаган ўқувчиларнинг салмоғи юқори, албатта. Бироқ, мазкур коллеж, лицейларнинг тайёрлов йўналишлари бўйича ўқувчилар сараланганда, кўпроқ шу соҳага қизиқиши ва қобилияти юқори бўлган битирувчиларга эътибор қаратиш, ташхис Марказлари томонидан шундай ўқувчиларгагина тавсияномалар берилиши лозим. Бу турдаги таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш қоидалари ва уларда белгиланган танлов мезонлари ҳам алоҳида ишлаб чиқилиши зарур. Бу қоидаларда тайёрлов йўналишининг ўзига хослиги, албатта, инобатга олиниши керак.

Махсус таълим муассасаларининг қабул қоидаларига касбий лаёқатни аниқлаш бўйича психологик тестларни киритиш ҳам муаммони ҳал қилувчи муҳим омиллардан биридир.

Шуни унутмаслик керакки, Ташхис Марказлари томонидан берилаётган тавсияномалар фақат маслаҳат мақомига эга ва уни олган битирувчи нуфузи ёки жойлашган манзилидан қатъий назар, ўзи хоҳлаган *ЎМКҲТ* муассасасига ҳужжат топшириш ҳуқуқига эга.

***— Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишида ота-оналарнинг ҳам ҳиссаси катта. Бироқ, айрим ота-оналар ҳам борки, улар фарзандларининг муайян касбга қизиқиши ва лаёқатлари билан ҳисоблашмаган ҳолда ўз хоҳиш-истаклари бўйича фарзандларининг таълим олишини исташади ва шунга эришиш учун уринишади. Бундай вазиятларда ташхис Марказлари мутахассисларининг ўрни қандай бўлиши лозим?***

— Табиийки, ҳар бир инсон ўзи орзу қилиб эриша олмаган умид-истакларига фарзандлари, зурриёдлари орқали етишишга ҳаракат қилади. Бундай инсоний психологик ҳолатни инкор этиш мушкул. Фақат, ота-оналарга фарзандларининг келажаги кўпроқ уларнинг ўз қўлида эканлиги ва унинг ўз ҳаёт йўли ҳамда бетакрор, баъзан ота-онага ҳам ўхшамайдиган шахсий хусусиятлари, қизиқиш ва қобилиятлари мавжудлиги тушунтирилиши лозим. Ташхис марказларининг вазифаларидан бири ҳам нафақат ўқувчилар билан, балки ота-оналар ўртасида касбий ахборот, тарғибот-ташвиқот ва маслаҳат ишларини олиб боришдан иборат. Мактаб комиссиялари ишида ҳам ота-оналарнинг иштироки амалий аҳамиятини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

***— Касбга йўналтириш ишини самарали ва тўлақонли амалга оширишда соғлиқни сақлаш тизими мутасаддилари олдига ҳам қатор вазифалар қўйилган. Айни пайтда ана шу соҳа мутахассислари томонидан олиб борилаётган ишларга қандай баҳо бериш мумкин? Хусусан, ташхис марказларини мутахассис-шифокорлар билан таъминлашда уларнинг ҳиссаси қандай бўлмоқда?***

— Таълим муассасаларида ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида 2002 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма йиғилиш ўтказилди ва унинг якунида тегишли қарор қабул қилинди. Мазкур қарор асосида айнан умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ҳамширалар малакасини ошириш юзасидан махсус ўқув режа ишлаб чиқилди ва республикамиздаги барча ўрта тиббий ходимлар малакасини ошириш билим юртларида бугунги кунда самарали амалга оширилмоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш ва халқ таълими бўлинмалари мутахассислари ўртасида ҳамкорлик ишлари ҳам сезиларли даражада яхшиланмоқда.

Шу билан бирга, бу борада қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Чунончи, шу кунга қадар ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик вилоят ташхис Марказларининг аксариятида туман (шаҳар) ташхис Марказлари шифокорлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва уларга мунтазам услубий ёрдам кўрсатувчи шифокор штат бирлиги ажратилмаган. Қолаверса, мактабларни биринчи ёрдам дори воситалари, шунингдек, мактаб тиббиёт хоналарини 18 турдаги зарур дори-дармонлар билан таъминлаш иши ҳар бир мактабда тиббий ва қизлар гигиенаси хоналарининг аҳволини қониқарли ва талаб даражасида, деб бўлмайди.

6 ёшли болалар ҳамда умумтаълим мактабларининг 2-11-синф ўқувчиларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказувчи масъул комиссиялар ишини ҳам бугунги кун талабларига жавоб беради, дея олмаймиз.

Шунингдек, ҳали-ҳануз республикамизда касбга бўлган тиббий-физиологик талабларни ишлаб чиқиш ва буни ташхис тизимига киритиш ишлари пайсалга солинмоқда. Бу борадаги ишларни бугун изга солмасак, эртага кечикишимиз муқаррар.

***— Тизимда фаолият кўрсатувчи кадрлар салоҳияти қай даражада?***

— Ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими ташкил қилинганлигига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу боис, бугунги кунда республикамиздаги бирон-бир олий ўқув юртида бу соҳада фаолият кўрсатишга ихтисослашган мутахассис-кадрлар тайёрланмаяпти. Шунга қарамасдан, янги тизим кўпроқ услубий хизмат йўналишида фаолият кўрсатишини инобатга олган ҳолда, иш режаларига туман, шаҳар, вилоят ташхис Марказлари мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масалаларини ҳам долзарб вазифалар сирасига киритиб бормоқдамиз. Жорий йилда А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМН билан ҳамкорликда ташхис Марказлари раҳбарлари, психологлари, дефектологлари ҳамда касб-ҳунарга йўналтирувчи жами 225 нафар мутахассиснинг малакасини ошириш бўйича курслар ташкил этилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, ушбу йилда ташхис Маркази мутахассислари учун долзарб муаммолар юзасидан турли шаҳар ва туманларда доимий ҳаракатдаги ўқув семинар-тренингларини ҳам ўтказиш мўлжалланмоқда.

***— Истиқболдаги режалар қандай?***

— Маълумки, биз меҳнат қилаётган тизимнинг ташкилий, ҳуқуқий-меъёрий асослари ишлаб чиқилди. Ўтган даврда амалга оширилган ишларнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, касбга йўналтириш ишида халқаро алоқалар соҳасида амалга оширилаётган ишлар қониқарли даражада эмас. Шу боис, жорий йилда турли нодавлат-нотижорат ташкилотлари кўмагида, хорижий грантлар эвазига ҳудудий ташхис Марказлари ва умумий ўрта таълим мактабларининг ягона ахборот тармоғини яратиш, шу орқали тез ва сифатли ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ишлари режалаштирилмоқда. Шунингдек, 2002 йилда тасдиқланган "Ўқувчи-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш тизимини ривожлантириш" Концепцияси ва "Халқ таълими тизимида психологик хизмат тўғрисида"ги Низомда белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш ҳам асосий вазифалар сирасидандир.

Умуман олганда, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис мазмунини такомиллаштириш, ташхис Марказлари ва мактабларда бевосита амалий фаолият билан шуғулланаётган мутахассисларнинг илмий-услубий таъминотини янада яхшилаш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш, ҳамда касб-ҳунарга йўналтириш ишини узлуксиз жараёнга айлантириш, ривожланган давлатлар тажрибалари асосида энг илғор интерфаол технологияларни жорий қилиш масалаларини ҳал этиш лозим. Мақсадимиз, келгусида ҳар бир ўқувчининг онгли равишда касб-ҳунар танлаши ҳамда ҳаётда ўз ўрни, мустаҳкам мавқеига эга бўлишига эришишдан иборат.

***"Ma'rifat" мухбири***
***Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ***
***суҳбатлашди.***

*Бугун айрим ўқитувчиларнинг ўз устида ишламасликлари, доимий равишда билимларини бойитиб бормасликлари, янгиликлардан бехабар қолиб кетаётганликларини кўрсатади. Бу эса, албатта, таълим самарадорлигига ҳам таъсир қилади.*

*Марказга болаларини боғчага беришга имконияти йўқ оила фарзандлари маҳалла қўмитасининг тавсиясига кўра қабул қилинади ва бепул тарбияланадилар.*

# ЎҚИТУВЧИЛАР ДОИМ ИБРАТ БЎЛИШЛАРИ ЛОЗИМ



**Бу инсонни мамлакатимиз халқ таълими тизимида сўнгги 30-35 йил давомида меҳнат қилиб келаётган педагог кадрларнинг деярли барчаси танийди, десак асло муболаға бўлмас. Республика Халқ таълими вазирлигида эса бирорта ходим йўқки, уларнинг ҳар бирининг иш фаолиятларида бу инсоннинг маслаҳатлари, фикр-мулоҳазалари ўз аксини топмаган бўлса. Бугун Семён Гершкович Берштейн ўзининг етмишинчи баҳорини қарши олаётган бўлса-да, тетик, бор билими ва бой иш тажрибасини мазкур соҳа ривожига кўшиб келаётган фидойи инсонлардан биридир. Унинг Халқ таълими вазирининг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келаётганлигига ҳам бу йил қарийб 37 йил тўлаяпти.**

**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, халқ таълими аълочиси, “Шуҳрат” медали соҳиби Семён Гершкович Берштейн билан бугунги кунда ўқитувчиларнинг ҳуқуқий билимлари даражаси, бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.**

**— Муҳтарам Семён Гершкович, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи сифатида бугунги кунда амалга ошираётган ишларингиз хусусида тўхталсангиз.**

— Бугун вазирлик миқёсида қабул қилинаётган барча буйруқлар, турли хил йўриқномалар ва тавсияларнинг, умуман халқ таълими тизимидаги барча меъёрий ҳужжатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғрилигини аниқлаш, зарур ҳолларда тегишли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиб, керакли ўзгартиришлар киритиш бош вазифамиздир. Вазирликда сал кам 40 йиллик фао-лиятим давомида мен бормаган туман ёки шаҳар халқ таълими бўлимлари, ҳатто чекка қишлоқ мактаблари қолмаган бўлса керак. Ўқитувчи кадрларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш, таълим-тарбия ишларини самарали ташкил этишга доир ҳуқуқий мавзулар бўйича жойларда ташкил этилган йиғилишлар, семинар-анжуманларда кўп марта маърузаларим билан иштирок этганман. Бу борада, айниқса, 2001 йилда Европа Иттифоқи — ТАСИС жамғармасининг “Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишда халқ таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига кўмаклашиш” EDUZ 9602 лойиҳаси доирасида ўзбек ва рус тилларида савол-жавоблар шаклида чоп этилган “Умумий ўрта таълимнинг ҳуқуқий масалалари бўйича маълумотнома” қўлланмаси жудаям қўл келмоқда. Унда 50 дан ортиқ қонунлар, кодекслар, бошқа қонунчиликга доир меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, идоравий ва бошқа ҳужжатлар тўпланган. Бундан ташқари, ушбу йўналишда қатор услубий қўлланмалар, тавсиялар ҳам мунтазам равишда чоп этилиб келинмоқда. Вилоятлар ПХҚТМОИлари таклифлари билан қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига ҳам ушбу мавзуда маърузалар ўқиб, савол-жавоб кечаларида қатнашиб тураман.

**— Ана шундай учрашувларда ўқитувчилар сизга кўп саволлар билан мурожаат қилишадими?**

— Ҳа, жудаям кўп. Турли хил саволлар беришади. Айрим ўқитувчиларни кўпроқ шахсий ҳаёти билан боғлиқ саволлар қизиқтиради. Одатда, бундай учрашувларда биз ўқитувчиларга меҳнат кодекси, хусусан ишга қабул қилиш ва озод қилиш тартиблари ва бошқа ташкилий масалалар бўйича атрофлича маълумот берамиз. Вазирликда ҳам хизмат телефонимиз вилоятлардан келаётган савол-жавоблардан бўшамайди.

**— Мана шундай учрашувлардан келиб чиққан ҳолда бугунги кун ўқитувчиларнинг ҳуқуқий билимларини қандай баҳолайсиз? Ўқитувчиларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ билишадими?**

— Бугун нафақат ўқитувчилар, балки мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ҳуқуқий жиҳатдан билимдон бўлиши керак. Айни пайтда ўқитувчиларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини билади ёки билишмайди, деб бир сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Сабаби, булар “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида аниқ ва равшан кўрсатилиб берилган. Ва алоҳида таъкидлаш жоизки, бу икки ҳужжат ўзида нафақат ўқитувчилар, балки ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг ҳам фарзандларимиз келажагига масъул эканлиги қайд қилинганлиги билан аҳамиятлидир.

**Huqiqiy burchak**

Маълумингизким, ҳар бир таълим муассасаси ўз Низомига эга бўлиши керак. Ана шу мақсадга эришиш борасида биз вазирликда мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг барча турлари бўйича намунавий низомлар ишлаб чиққанмиз. “Таълим тўғрисида”-ги қонуннинг 6-моддаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 4.6-бандига, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1998 йил 203-қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом”га ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ана шу низомлар асосида ҳар бир таълим муассасаси ўз низомларини қабул қилишган. Мана шу низомларда таълим муассасасида меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг ҳуқуқ ва бурчлари, қолаверса, уларнинг ишларини ҳар томонлама мувофиқлаштириб турувчи педагогик кенгашлар, услубий бирлашмаларнинг ҳам асосий вазифалари кўрсатилган. Бундан ташқари, янги ўқув йили бошида ҳар бир педагог ходим билан тузиладиган меҳнат шартномаларида ҳам ўқитувчиларнинг мажбуриятлари аниқ акс эттирилади. Мамлакатимизда умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари тасдиқланган бўлиб, педагогларимиз ушбу стандартларнинг бажарилишини тўлиқ таъминлаб беришлари шартлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

**— ДТСларининг бажарилишига қандай йўллар, услуб ва усуллар орқали эришиш ўқитувчиларнинг ўзларига боғлиқ. Шундай эмасми?**

— Ҳа, ўқитиш услубиётини танлаш ўқитувчи ихтиёрида. Аммо, у давлатимиз томонидан белгилаб берилган таълим стандартларини тўлиқ таъминлаб бермоғи шарт. Ўқувчи онгига янги мавзуни қанчалик самарали усуллар орқали сингдириш — бу ўқитувчи зиммасидаги олий вазифа. Бу борада у таълим жараёнига ижодий ёндошиб, соҳада рўй бераётган сўнгги янгиликларни киритиши, ўқитишнинг энг замонавий воситалари — янги информацион технологиялардан кенг фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Лекин бунинг барчаси мактаб илмий бўлим мудири ёки услубчи, қолаверса, фан методбирлашмалари бошлиқлари назорати остида бўлиши зарурлигини таъкидлаш жоиз. Зеро, бундай услубий бирлашмаларда ўқитувчилар педагогика ва психология фанларидаги энг сўнгги янгиликларни муҳокама қилишади, ўзаро тажриба алмашади, ўқитишнинг энг самарали йўлларини излашади.

Айни пайтда педагог ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида урғу берилмоқда. Ўқув режа ва дастурлари, дарсликлар, услубий қўлланмалар янгидан яратилмоқда. Буларнинг барчаси таълимнинг меъёрий асосларини ташкил этганлиги боис, эндиликда ўқитувчиларимиз нафақат таълим тизими билан боғлиқ бўлган қонунларни, балки жамиятимизнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи қонунларнинг аҳолининг ҳар бир қатламига етиб боришида бош воситачи эканлигини чуқур ҳис қилмоғи лозим. Азалдан зиёлилар жамиятнинг илғор қатлами бўлиб келганлиги боис, бугунги кунда ўқитувчи-мураббийларимиз қонунларнинг ҳаётда тўлиқ жорий этилишида бошқаларга ибрат бўлишлари лозим.

Афсуски, бугун ўқитувчиларимизнинг ҳаммасиям мамлакат парламенти томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг барчасидан бохабар, деб айта олмаймиз. Сабаби, кўп ҳолларда айрим ўқитувчилар педагогик фаолиятлари борасида билиши зарур бўлган оддий масалалар юзасидан ҳам бизга мурожаат қилишган. Бу нимани англатади? Бугун айрим ўқитувчиларнинг ўз устида ишламасликлари, доимий равишда билимларини бойитиб бормасликлари, янгиликлардан бехабар қолиб кетаётганликларини кўрсатади. Бу эса, албатта, таълим самарадорлигига ҳам таъсир қилади. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ўқитувчи қонунни, унинг мазмун-моҳиятини яхши билмаса, ўқувчиларга қандай қилиб ўрнак бўла олади? Бу борада миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари, давлат ҳуқуқи асослари, Бош мадҳиямиз — Конституция ҳақида сўз юритувчи дарсларнинг таълим жараёнига кириб келиши қувонарли ҳолдир. Бундан ташқари, ҳозир ҳар бир таълим муассасасида эрталабки сафланишнинг Давлат Мадҳияси садолари остида бошланиб, унда мамлакатимиз байроғининг кўтарилиши, фарзандларимизнинг қўлларини кўксиларига қўйиб, мадҳияга жўр бўлиши — буларнинг барчаси, албатта, ўқувчиларимизда миллий ғурур, ўз мамлакати билан фахрланиш туйғуларини шакллантиради. Таълим муассасаларида ҳуқуқ-тартибот органлари, прокуратура, ички ишлар бўлимлари масъул ходимлари билан турли хил мавзуларда ташкил этилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ҳам ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасида мамлакатимиз қонунчилигини тарғиб қилишда асосий омиллардан ҳисобланади.

**Нурлан УСМОНОВ суҳбатлашди.**

*Malaka oshirish*

# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

## БИЛИМ ОЛИШ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Мутафаккирларимиздан бири шундай ёзади: “Инсон ҳаёт экан, гарчи сочи оқарган бўлса ҳам, билим олиши мумкин, билим олишни истайди ва билим олиши шарт. Ҳеч бир инсон мукаммал, яъни тўла шаклланган ҳолда дунёга келмайди, аммо унинг бутун ҳаёти бетиним ҳаракатдаги ўсиш ва доимий шаклланишдан иборатдир”.

Бу ҳикмат айниқса, ўқитувчи фаолиятига хослигини, Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида касб маҳорати, билимини ошираётган тингловчиларда кўрдик. Улар орасида оқ сочли, олий тоифали, унвонли, нафақага чиқиб, ўқувчиларини, мактабини тарк этолмай ишлаётган фидойиларни, қолаверса, ёш мутахассисларни ҳам учратдик. Демак, билим олиш, ўқиш, ўрганиш ёш танламайди. “Бешикдан қабргача илм изла” деган даъват ҳар бир ўқитувчига ҳам қарз, ҳам фарздир, деган хулосага келдик. Албатта, ўқитувчининг малакасини ошириш осон иш эмас. Талабчан, изланувчан ўқитувчи юқори савиядаги дарсларни талаб этади. Буни тўғри англаган институт раҳбари, профессор, халқ таълими тизимида 45 йилдан бери узлуксиз равишда ишлаб келаётган Ҳамидулла Йўлдошев ишни махсус курс ва янги кафедралар ташкил этиш, ўқув хоналарини янгидан жиҳозлаш, улар сонини кўпайтириш, малакали фан докторларини маърузалар ўқишга жалб этишдан бошлади. Ҳозирги кунда институтда 92 нафар ходим ишламоқда. 6 та кафедра, 7 та бўлим ташкил қилинган. Аввал институтда 2 нафар фан номзоди фаолият кўрсатаётган бўлса, ҳозир 11 нафар фан доктори ва 26 нафар фан номзоди дарс бермоқда.

## ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАР

Институтда 2001-2002 ўқув йилида хорижий ташкилот ва жамғармалар билан ҳамкорликда халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш ишларида ҳуқуқий ва меъёрий билимларга эътибор бериш, бош-қарув психологиясидан махсус курслар ташкил этиш кўзда тутилганидан хабардормиз. Бу борада олиб борилган ишлар билан қизиқдик.

— 2002 йилнинг март ойида иккита махсус курс ташкил этилди, — дейди институт проректори Рўзман Келдиёров. — Маш-ғулотлар очиқ жамият институти кўмак жамғармаси ва ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилди. Ўқув йили давомида “Таълим муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари” мавзусида махсус курс машғулотлари ўтказилиб, унда 49 та мактаб раҳбари ўринбосарлари иштирок этдилар. Курс давомида ДТС талаблари, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг II босқич вазифалари муҳокама қилинди, шунингдек таълим тизимини такомиллаштириш борасида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий маркази билан ҳамкорликда ишлар олиб борилаётгани диққатга сазовордир.

Биз институтдаги маънавият ва маърифат ишлари билан ҳам танишдик. Курс тингловчилари учун ёзувчи ва олимлар билан адабий учрашувлар ўтказилаётгани, жумладан, ёзувчилар Одил Ёқубов, Тоҳир Малик, навоийшунос олим, академик Азиз Қаюмовлар суҳбатидан баҳраманд бўлиб, маънавий озуқа олганларидан мамнунликларини билдирдилар. Институтда ҳар йили тил байрамлари, Конституция кунига бағишланган тадбирлар кўтаринкилик билан ўтказилар экан. Бунда институт ходимларидан Ф.Муҳамедова, Г.Муҳаммаджо-нова, М.Мўйдиновалар фаоллиги алоҳида айтиб ўтилди.

## КУТУБХОНА — НУРХОНА

Ўқувчиларга илмий-методик ёрдам кўрсатишда кутубхонанинг ҳам ўрни катта. Биз институт кутубхонасига кирар эканмиз, Президент Ислом Каримов асарлари, “Ўзбекистон — Ватаним маним”, “Янги дарсликлар”, “Ўзбекистон рамзлари” кўргазмалари, янги газета-журнал тахламларига кўзимиз тушди. Кутубхона фондидаги китоблар 20 мингга яқин бўлиб, шундан қарийб 2000 таси дарслик, 2000 та журнал ва брошюра, 15000 дан ортиғи бадиий, илмий-сиёсий адабиётлар, ДТС ва уларга илова қилинган истиқлол даври адабиётлари мажмуасидан иборат. Айни вақтда 20 та компьютер Интернет тармоғига уланган бўлиб, истаган ўқитувчи ўзи учун керакли бўлган ахборотни олиш имконига эга. Замонавий талаб даражасида жиҳозланган, шинам ва осойишта қироатхона китобхонлар, малака ошириш курслари тингловчилари билан тўла. Тез орада малака ошириш жараёни учун ўқув режалари, дастур, методик тавсиянома, маърузалар матни, ўқув қўлланмалари чоп этилиб, кутубхона фондини янада кўпайтириш мўлжалланган. Шу мақсадда институт ўзининг янги нашриёт-матбаа фаолиятини йўлга қўйиш арафасида турибди.

## ЎҚИТИШНИНГ ҚАЙ УСУЛИ ФОЙДАЛИ?

Албатта, интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ўқитиш — ҳозирги кун талаби. Педагогик тажрибаларни бойитиш ва такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли институт Англия, Франция, Германия ва бошқа давлатлар билан яқин алоқа ўрнатган. Яқинда ўқитишнинг интерфаол усуллари бўйича семинар-тренинг ўтказилди. Бу семинар ТШПҚТМОИ ректори Ҳ.Йўлдошев таклифига кўра, Очиқ Жамият институти “Альфа ва Омега” таълимни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва институт ҳамкорлигида ташкил қилинди. Бу беш кунлик тренинг дастурига “Катталар таълими” (Андрогогика), “Кооператив таълим”, “Келажак мактаби”, “Янги технологиялар” каби долзарб мавзулар киритилди. Тренерлардан О.Пальнова, И.Куличихина, М.Исҳақовалар ўзларининг билим ва маҳоратлари билан ўртоқлашдилар.



Институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори таълимнинг интерфаол усули бўйича Англия таълими тажрибасини ўрганиб қайтган бўлса, Қирғизистонда ўтказилган халқаро курсда тиллар кафедрасининг мудири Р.Бўронова, Болтиқбўйида Д.Абдураззоқова қатнашган. Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси томонидан ташкил этилган курсларда институт профессор-ўқитувчилари фойдали ахборот технологиялари билан танишганлар. Дарслик муаллифлари ва илғор тажрибага эга бўлган устозлар — А.Умронхўжаев, М.Ғуломов, Т.Азларов, Қ.Иноғомова, М.Рожнова, З.Файзиева, Ф.Хўжаев, Қ.Йўлдошевларнинг интерфаол усулдаги машғулотлари барчага манзур бўлмоқда.

Жорий ўқув йилида Осиё тараққиёт Банки ёрдамида масофадан ўқитиш бўйича марказ очилиб, унга 5 та мактаб уланиши режалаштирилаётган экан. Бунинг учун 7 та хона компьютер ва техник воситалар билан жиҳозланиши керак. Тез орада бу ният амалга ошса, ажаб эмас.

## БИР ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР...

ТШПҚТМОИ ректори Ҳ.Йўлдошев шундай дейди:

— Илгари бу даргоҳда 12 та ўқув хонаси бўлиб, малака оширишга келган тингловчиларнинг ҳаммасини сиғдириб бўлмас ва машғулотлар институтдан ташқарида мактаблар, ўқув юртларида олиб бориларди. Натижада, ўқув сифатини текшириш мушкул вазифага айланган эди. Шу сабабли, ўқув хоналари сони 24 тага етказилди ва четдаги мактабларга бориб, машғулот ўтказишга чек қўйилди. Мактабда психологик хизмат таълим-тарбия жараёнига ижобий таъсир кўрсатишини инобатга олиб, психология ўқув хонаси ташкил этилди ва психологик тренинг, замонавий усуллардан фойдаланиб дарс ўтиш тизими жорий қилинди. Ўқув хоналаридан бирини замонавий компьютерлар, телевизор, видеотехника воситалари, нусха кўчириш аппаратлари, сканер, таълим учун зарур ашёлар билан жиҳозлаб, маърузаларни ўқитишда сўз билан кўргазмали воситаларнинг мақбул уйғунлашишига эришдик. Институтимиз Очиқ жамият институти кўмак жамғармасининг 44 минг АҚШ долларига тенг грантини ютишга муваффақ бўлди, жамғарма ёрдамида янги ахборот технологияларини ўқитиш бўйича 23 та семинар ташкил қилинди, институтнинг ўқув хоналари замонавий техника воситалари билан тўлдирилди.

Янги ташкил этилган ўқув хоналари, физика фанидан ўқув жиҳозлари лабораторияси, бошланғич ва мактабгача таълим ўқув хоналарининг эстетик дид билан янгича талаблар асосида жиҳозлангани бизни қувонтирди. Халқаро тренер Д.Абдураззоқованинг машғулотини кузатдик. Тажрибали тренер “Ақлий ҳужум” орқали тингловчилар қизиқишини ошириб, дарс жараёнида интерфаол усуллардан қай тарзда фойдаланишни уқтираётган эди. Тингловчилардан Мирзо Улуғбек туманидаги 275-мактаб ўқитувчиси Х.Давлонова, Яккасарой туманидаги 48-мактаб ўқитувчиси Д.Номозова, Ҳамза туманидаги 307-мактаб ўқитувчиси Д.Муҳиддиновалар, И.Усмонов, М.Қоплонова, М.Мўйдинова, Д.Абдураззоқоваларнинг машғулотларидан кўп янгиликлар олиб, ўқитишнинг янги усулларини ўрганаётганларини тўлқинланиб гапирдилар.




## МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Тошкент шаҳри мактабларида ишлаётган ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ҳафтада бир кун, бутун ўқув йили давомида таҳсил оладилар. Бу ҳафтада ўтилган дарс келгуси ҳафтагача унутилади. Бунинг сабаби ва айрим муаммолар ҳақида Ҳ.Йўлдошев шундай дейди:

— Бозор иқтисодиёти шароитида пойтахтимиз мактабларида мутахассисларнинг қўнимсизлиги, айрим фанлардан ўқитувчилар етишмаслиги сезилаётир. Олий маълумотли мутахассисларни қайта тайёрлаш асосида бу муаммо ҳал этилмоқда. 400 дан ортиқ олий маълумотли ўқитувчилар инглиз тили, математика, информатика, меҳнат, тасвирий санъат ва чизмачилик, бошланғич синфлар таълими курсларида қайта тайёргарликдан ўтказилди. Ана шу усул билан ўқитувчилар сафи тўлдирилаяпти. Асосий муаммолардан яна бири — бошланғич, мактабгача таълим ва махсус таълимда ҳеч қандай махсус маълумоти бўлмаган ходимлар ҳам ишлаяпти. Улар 5-10 йил энага, сўнгра тарбиячи бўлиб ишлаётган ходимлардир. Биз уларнинг малакасини оширолмаймиз, улар аввал қайта тайёрлаш курсидан ўтишлари керак. Қайта тайёрлаш эса — пуллик. Мутахассислиги бошқа бўлган ўқитувчилар камида уч йиллик иш стажи ва олий маълумотга эга бўлсаларгина, қайта тайёргарликдан ўтиб, иккинчи мутахассисликни эгаллашлари мумкин. Кўпинча улар малака ошириш учун келадилар. Ваҳоланки, уларни қайта тайёрлашдан ўтказмай, малакаларини оширишга ҳаққимиз йўқ.

## НИЯТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Институт қошида докторантура ва аспирантура очиш, босмахонани ишга тушириб, 30 мингдан зиёд ўқитувчиларни педагогик янгиликлар, методик тавсия-номалар билан таништириш, кафедралар ишини такомиллаштириш, малака ошириш сифатини яхшилаш — эзгу ниятлар. Институтда машғулот ўтаётган дарслик муаллифларига доцент унвони берилиб, уларга шу асосда маош тўлашни режалаштириш амалга ошишини истаймиз.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА, “Ma'rifat” мухбири**

*Maktabgacha ta'lim*

# “ЎЗИМНИ ЎҚИТУВЧИДЕК ҲИС ҚИЛАЯПМАН”

**дейишмоқда “Фарзандим — жигарбандим” жамоатчилик марказида ўқиётган ота-оналар.**

*Ҳамма ўз имкониятидан келиб чиқиб ҳаракат қилади. Чунки, инсоннинг яшаш тарзи ҳам, меҳнат фаолияти шакли ҳам шахсий имконият ва шароитларга мувофиқ белгиланади. Худди шунингдек, таълим соҳасида кимдир фарзандини ихтисослашган таълим масканларида ўқитиб, қўшимча репетиторлик хизматидан фойдаланиши мумкин. Кимдир эса ана шундай қулайликларни фарзанди учун яратиб беришни ҳавас қиладию, бироқ ички имкониятлари бунга тўсиқ бўлади. Тўғри, республикамизда бепул таълим олиш кафолатланади. Аммо, тараққиёт асри билимлар даражасининг ҳам интенсив равишда ривожланишини талаб қилаяпти. Оддийгина мисол, 1-синфга борадиган болага ўзига яраша талаблар қўйилади. Бу талабларга жавоб бериш учун эса бола мактабгача таълим муассасасида тайёрланади. Лекин, бугун юртимиздаги мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг 18-20 фоизигина боғчаларда тарбияланишади. Бинобарин, қолган 80 фоиз болаларни қандай қилиб мактабга тайёрлаш мумкин? Албатта, уларнинг ота-оналарига ўз фарзандларини мактабга тайёрлашда амалий ёрдам бериб, илмий-методик тавсиялар, қўлланмалар тайёрланмоғи лозим. Бундай методик ёрдамларни беришнинг энг фаол усули эса махсус марказлар ташкил қилишдир.*

*Яқинда “Фарзандим — жигарбандим” жамоат бирлашмаси қошида ташкил этилган ана шундай “Оналар мактаби”-да икки навбат билан ёш болали оналар 3 ой муддатли ўқув машғулотларда иштирок этишди. Биринчи навбатдаги ўқув соатлари 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар тарбиясига қаратилган бўлса, иккинчи навбатдаги дарслар 3 ёшгача бўлган фарзандлар парваришига бағишланди. “Ота-оналар университети” дастури лойиҳаси бўйича 58 соатга мўлжалланган дарс соатлари орқали жами 40 дан зиёд ёш оналар фарзандини тарбиялаш учун энг зарур бўлган усул ва жараёнларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўргандилар. Бу ҳақда “ўқувчи” оналардан сўраганимизда, Марғуба Қодирова шундай деди:*

*—Биз ёш ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги тажрибаларимизнинг камлиги ёки ҳозирда пайдо бўлаётган янги-янги дидактик ўйинларни билмаслигимиз боламизнинг эртаси учун салбий таъсир қилиши мумкин. Ана шуларни ўйлаб, “Оналар мактаби”да ташкил қилинган дарслар ҳар доим бизлар учун асқотади, деб ишонч билан айта оламан. Чунки, бу ерда тажрибали педагог, психолог ва яна кўплаб мутахассисларнинг назарий кўрсатмаларини эшитиш билангина чегараланиб қолмадик. Балки, ўзимиз турли хил ўйинчоқлар, расмли коллекциялар ва яна кўплаб материалларни ясашни ўргандик. Мана, ўқув курсимиз тугаганидан кейин, бизларга “Болангиз мактабга тайёрми?” ва “Учинчи минг йилликнинг боласи” дастури бўйича кўплаб қўлланмаларни беришди.*

*Шу аснода суҳбатимизга оналардан яна бири Дилфуза Мўминжонова келиб қўшилди:*

*— Бу ерга келишимдан олдин болани педагогик жиҳатдан фақат боғчада, мактабда тарбиячи-ўқитувчилар тарбиялаши керак, бу нарсалар уйда ўтирган онанинг қўлидан келмайди, деб ўйлар эдим. Ҳозир эса умуман бошқача фикрдаман.*

*Она ҳозирги замонавий тарбия усулларидан оз бўлсада хабардор бўлса, у фарзандини уйдаги бекорчи ўйинлардан қутултириб, ҳар бир ҳаракатини мақсадли фаолиятга йўналтирар экан. Айниқса, тиббий гигиена ва санитария, жисмоний ўстириш ва чиниқтириш таълимидан тортиб боланинг ўйинчоқлари, фикрлашга ўргатадиган мулоқот сирларини ўрганганимдан сўнг, ўзимни худди ўқитувчилардек ҳис қилаяпман. Ўйлайманки, бошқа ёш оналар ҳам бундай ўқувларда иштирок этишса, фарзандлари учун катта бойлик орттирган бўлар эди.*

*Ушбу фикрларга Саида Эшонхўжаева ва Шаҳноза Муҳсиновалар ҳам қўшилдилар. Танишганингиздек, ушбу “Оналар мактаби”да қилинаётган ишлар ҳар томонлама муваффақиятларни кўзлаган. Азиз оналар, бундай имкониятдан фақатгина Себзор даҳасидагилар фойдаланиши мумкин, деб ўйлаётган бўлсангиз, янглишасиз. Чунки, “Фарзандим — жигарбандим” жамоат бирлашмасининг филиаллари Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Наманганда ҳам фаолият кўрсатаяпти. Келгусида эса барча вилоятларда ушбу марказнинг иш бошлаши режалаштирилган.*

*Менимча, юқорида келтириб ўтганимиз — оналарнинг фикр, муносабатлари ҳамда маълумотлар “Оналар мактаби” ҳақида сизларда озми-кўпми тушунчалар, балки кимлардадир қизиқишлар уйғотгандир. Лекин, бу ҳали ҳаммаси эмас. Сабаби, “Фарзандим — жигарбандим”да мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган кичкинтойларни таълимий ва тарбиявий томондан мактабга тайёрлашга ҳам киришилган. Шу мақсадда икки гуруҳда 28 нафар тарбияланувчилар куннинг биринчи ярмида сабоқ олмоқдалар. Эътиборли жиҳати Марказга болаларини боғчага беришга имконияти йўқ оила фарзандлари маҳалла қўмитасининг тавсиясига кўра қабул қилинади ва бепул тарбияланадилар. Қарийб бир йилга яқин вақт мобайнида бу ерга қатнаётган болалар ҳарфларни таниб, уларни ёзишга ўтишади. Тарбиячи Дилфуза Иноғомжонованинг ҳижжалаб болаларга шеър ёдлатаётгани ва бирма-бир қўлларидан ушлаб ёздираётган машғулотини кузатар эканман, бу ердаги болалар ҳеч бир боғча боласидан кам эмас, деган тўхтамга келдим. Бу фикрни Дилфуза опа ҳам тасдиқлади:*

*— Тўғри, болаларимиз боғчалардагидек, шу ерда ухлаб, овқатланиб, кечгача қолиб кетишмайди. Лекин, биз қисқа вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Ўйин жараёнида ҳам кўпроқ болаларга таълимий мақсадни сингдирамиз. Компьютер олдида ўтиришганида ҳам толиқиб қолмасликлари учун, муаммоли вазият пайдо қилиб, уларни қизиқтирамиз. Шунинг учун бўлса керак, ҳозир 14 нафар болажон мураккаб техникани ўз билганларича бошқара олади.*

*Айни пайтда тарбиячи Монтесорри назарияси бўйича қизиқарли ҳикояни сўзлаб берар, болалар эса шунга кўра компьютер тугмачаларини босар эдилар.*

*Бундан ташқари ўйинчоқларнинг дидактик, янги назарияларга асосланган ва ранг-баранглиги болажонларни бу ерга ипсиз боғлаб қўйгандек туюлди, менга. Негаки машғулотларда ҳам, ўйину тўгарак ишлари жараёнида ҳам бошқаларга гал бермасдан пилдираётган Нигинабонунинг онаси Гулчеҳра Алимуҳаммедова имкониятдан фойдаланиб, шундай деди:*

*— Бу маскан ҳақида ҳамма ота-оналардан сўрасангиз ҳам, худди менга ўхшаб жавоб беришади. Айтиш керакки, Марказ менга ўхшаган ёлғиз оналар ва бошқалар учун жуда ҳам қулай. Шу ерга келгандан бери Нигинабону эртаю кеч тинмасдан шеър айтади. Бир дақиқа бўлсаям олдингидек, бекорчи ўтирмайди. Дафтарини очиб, вазифаларини бажаришга тушади. Худо хоҳласа, сентябрда мен ҳам қизалоғимни ёруғ юз билан мактабга олиб чиқаман...*

*Ҳаяжон билан суҳбатимиз давом этаётган пайтда қўшни хонадан мусиқа садолари эшитилди. Мусиқа тарбиячиси Анвар Ливиев шўх мусиқани ижро қилар, хореограф Наргиза Аҳмедова эса болаларга янги шўхчан рақсни ўргатар эди. Асосийси, болалар бу ердаги барча миллий чолғу-асбоблар ҳақида тушунчага эга бўлишмоқда. Дейлик, Аҳмаджон рубоб билан дуторнинг фарқини, улардаги торлар сони ва овоздаги ўзгаришларни тутилмасдан гапириб берди.*

*Умуман, бу жойда кўрганларимни қоғозга тушириб улгурганимча йўқ эди, ота-оналар тарбияланувчиларни бирин-кетин олиб кета бошлашди. Лекин, тарбияланувчиларнинг юз-кўзларидан кўриниб турардики, улар бу ердан кетишни сираям хоҳлашмасди. Мен ҳам оналарнинг, ҳам болаларнинг “мактаби” бўлган бу жой ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлганимдан сўнг, мазкур “Фарзандим — жигарбандим” жамоат бирлашмасининг раиси Ҳамида Аҳмедованинг фикрлари билан қизиқдим.*

*— Ўзингиз “бекорга шунча одам овора бўлмаяпти экан” деган бўлсангиз бўлди. Чунки, республикамизнинг мактабгача таълим бўйича кўзга кўринган мутахассислари бу ерга келиб қизиқишаяпти ва ўқув курсларимизни ташкил қилишда ўз ҳиссаларини қўшишаяпти. Мен биргина нарсани айтишим мумкин, боғчага боролмаётган болалар Марказимиздан мактабга тайёр чиқса ва уйда ўтирган ёш оналар баҳоли қудрат “Тарбиячи — она”га айланса, биз асосий мақсадимизга эришган бўламиз. Кузатганингиздек, гуруҳлардаги болаларнинг ёшлари турли хил. Уларга кўпроқ эркинлик берилган. Шунинг учун бўлса керак, бу ер боланинг иккинчи уйига айланган, десам хато бўлмайди. Ҳозирча 6 та ҳудудда, келгусида эса ҳамма вилоятларда филиаллар ташкил қилиш, фаолият доирамизни кенгайтиришни мақсад қилганмиз.*

**Насиба ЭРХОНОВА, “Ma'rifat” мухбири**

*Алишер Навоий ўз ижодида сўз ва унинг қудратига, инсон онги ва руҳиятига, ҳаётига кўрсатадиган таъсирига юксак эътибор билан қараб, ўзининг деярли барча асарларида бу ҳақда фикр юритган.*

*Ақлли, иймонли кишилар ҳеч қачон нафс домига тушмаганлар, бинобарин мол-дунёнинг ҳаддан зиёди зиён келтирмоғи мумкин. Аммо ақл-заковатнинг ортиғи башарият учун фойда келтиради, холос.*

# НАВОИЙНИНГ ГЕДИОНИСТИК ҚАРАШЛАРИ

Санъат, жумладан бадиий адабиёт ижтимоий ҳодиса сифатида жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Адабиёт — ижтимоий ҳаётнинг сўз орқали акс этган бадиий инъикосидир. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётни "сўз санъати" дейдилар. Сўз воситасида яралган бадиий асар кишилар онгига ва руҳиятига таъсир кўрсатиш орқали тафаккурга таъсир қилади. Бу таъсир натижасида ўқувчида шундай бир сархуш лаҳзалар вужудга келадики, у орқали ўқувчи руҳий лаззатга эришади.

Сўз сеҳри ва қудратини ниҳоятда теран ҳис қилган ҳассос сўз санъаткори Алишер Навоий ўз ижодида сўз ва унинг қудратига, инсон онги ва руҳиятига, ҳаётига кўрсатадиган таъсирига юксак эътибор билан қараб, ўзининг деярли барча асарларида бу ҳақда фикр юритган. Хусусан, ҳазрат Навоий ижодининг гултожи бўлган "Хамса" асарида, "Маҳбуб ул-қулуб", "Мажолис ун-нафоис" асарларида, кўплаб ғазал ва рубоийларида сўз ва унинг ўзига хос хусусиятларига катта эътибор берган.

Улуғ мутафаккирнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида сўзнинг — гедионистик таъсири ҳақида жуда асосли фикр билдирилган. (Гедионизм — кишининг яхши нарсалардан лаззатланиши ва азоб-уқубатлардан нафратланиши.)

"Қайси бир кўнгил, — дейди Навоий, — қаттиқ сўздан яраланган бўлса, аччиқ тил заҳарли найзадек бўлур. Кўнгилга қадалган тил ханжари етказган жароҳат битмайди, унга ҳеч нарса малҳам ўрнини тутмайди."

Нақадар ўринли, донолик билан топиб айтилган фикр!

Бу фикрлардан кўринадики, сўз инсон дилининг кўзгуси бўлмиш кўнгилга найза янглиғ санчилиб, уни чил-чил қилиши, азоб-уқубатлар гирдобига тортиб, унга қаттиқ сўз айтган кишига нисбатан қалбида чексиз нафратни вужудга келтиради. Яраланган дил унинг руҳиятини поймол этиб, оқибатда ҳеч бир нарса уни даволай олмайди.

Инсон қалби гулдек нозик бўлади. Ана шу нозик қалбни бир оғиз ноўрин айтилган сўз тошдек қаттиқ қилади. Бир оғиз ширин сўз эса, ҳар қандай оғриқли дилларга малҳам бўлиб, киши руҳиятини, кўнглини тоғ янглиғ кўтариб, дилида унга бир калима "юмшоқ сўз" айтган кишига нисбатан ажиб бир ҳузурбахшликка йўғрилган миннатдорлик туйғуларини рўёбга чиқаради.

*Ҳам сўз ила элга ўлимдин нажот,*
*Ҳам сўз ила топиб ўлик тан ҳаёт.*

Навоий ижодининг буюк маҳсули саналган "Хамса"да сўз таърифи шунчаки оддий сўзнинг таърифи сифатида эмас, инсон руҳий оламининг, кечмишининг нозик ифодаси сифатида берилади. Эътибор қилинг, "Садди Искандарий"да ҳазрат сўзни қандай таърифлайди:

*Қаю кимсаким, сўз берур жон анга,*
*Қилур жон фидо оби ҳайвон анга.*

*Ўликка гар андин эрур жони пок,*
*Ва лекин тирикни ҳам айлар ҳалок.*

*Не ўтларки солғай жаҳон ичра ул,*
*Жаҳон ичра йўқ инсу-жон ичра ул.*

*Бу гавҳардин ўлди тўла ғарбу шарқ,*
*Вале топти қийматда бисёр фарқ.*

Бу сатрларда Навоий сўзнинг фалсафий мушоҳада ва туйғулар туғёнига йўғрилган дамлардаги бадиий имкониятлари ниҳоятда кенглигини баён этади. Оддий бир сўзнинг одамларга етказаётган қувончи, ҳаёт завқи эканлиги ва дунёни забт этиш қудратига эгалиги кўрсатилади.

Навоий ўз асарларида сўз сеҳрига йўғрилиб инсон тақдири, инсон руҳиятини таҳлил қилади. Навоий ижодида сўз одамларни огоҳлантиради, уларни покликка, шафқатга ва ақл-идрокка, маърифатга чақиради.

Навоийнинг гедионистик қарашлари "Сабъаи сайёр" достонида янада яққолроқ намоён бўлади.

Достоннинг бошланишида рассом Монийнинг беқиёс санъатидан лаззатланган Баҳром Дилоромга ғойибона ошиқ бўлиб қолади ва унга "Сен оғир аҳволимга раҳм қил, сен дардманд айладинг, энди давони ҳам ўзинг топ!" — дейди. Ҳақиқатдан ҳам санъат кишига нафақат лаззат бағишлайди, балки изтиробга ҳам солади, қутқариб ҳам олади. Санъатнинг бу ҳолати асарни ўқиган ўқувчига аён бўлади. Аён бўладигина эмас, ўзи ҳам бевосита асар иштирокчисига айланиб, Дилоромнинг беқиёс гўзаллигидан завқланади, чангда зўр маҳорат билан чалган куйларидан роҳатланади.

Аммо бу узоққа бормайди.

Шоҳ Баҳром жаҳл ва мастликдаги қилмиши туфайли гўзал Дилоромдан ажралиб қолади. Дилоромдан айрилган шоҳ Баҳромнинг юраклари пора бўлиб, дилини ишқ ўти ёндириб, оғир дард исканжасида қолганида яна нафис санъатлар: меъморчилик, рассомлик ва сўз санъати туфайли дарддан фориғ бўлади.

Санъат асаридаги ҳар қандай воқелик томошабиннинг, ўқувчининг идроки орқали тафаккурига таъсир қилиб, унда савдойиликни бартараф қила олишини шоир ишонарли тасвирлайди. Аммо Баҳромнинг дил дардларига бу сеҳрли, нақшинкор бинолар ҳам малҳам бўлолмагач, дунё кўрган мусофирлардан ҳикоятлар тинглаб, сўз санъати сеҳри билан бир оз бўлса-да дили ором топади. Дастлаб Дилоромни рассомлик санъати орқали топиб олган бўлса, иккинчи маротаба сўз санъати орқали топади. Бу асар санъатнинг беқиёс қудратини намоён этувчи асардир. Бу асарнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, у Навоий ижодидаги гедионистик қарашларнинг ёрқин намунаси ҳамдир.

Умуман олганда, Навоийнинг барча асарлари кишига лаззат бағишлаш қувватига эгадир. Уларда Навоий қалбининг гўзаллиги ва кўнглининг поклиги ила гедионистик қарашлари ҳам муҳрланган, шунинг учун ҳам шоир асарлари шу кунга қадар ўз қимматини йўқотмасдан кишилар дилига оромбахш лаҳзаларни инъом этиб келмоқда ва дунё халқларининг мафтункор маҳзани бўлиб қолмоқда.

**Гулнора ЭШЖОНОВА,**
**ТВДПИ ўқитувчиси**

*Talqin*

# ШЕЪРЛАРДАГИ ШОИР СИЙМОСИ

Шеъриятда Алишер Навоий шахсининг муайян қарашларини гавдалантириш жуда кўп шоирлар ижодида учрайди.

Бутун бир романга сиғмаган воқеа ва тақдирлар бир сатрда ўз ифодасини топиши мумкин. Атоқли шоирамиз Зулфия Навоий шахси, ижоди билан боғлиқ ўта салмоқдор ва кенг кўламли фактни тўрт мисрага жо қилади.

Қатрада уммон акси берилади. Шу нуқтаи назардан Зулфиянинг шеърига эътибор берамиз:

*Нақадар бахтиёр инсон эканман,*
*Сизнинг тилингизда чиқибди тилим.*
*Севгида толе ёр жувон эканман,*
*Сизнинг маҳбублардан олибман таълим.*
*Асли-насли билан шоир эканман,*
*Шоирликка узр...*

Сатрларнинг замирида Зулфияга, унинг ижодига хос поэтик мажозий ҳолатлар мавжуд бўлгани учун ҳам улар ўзларига нисбатан кенг, теран поэтик умумлашмаларни ташияпти. "Нақадар бахтиёр инсон эканман" дейилгач, ўқувчи бахтиёрлик боисини шеърнинг иккинчи сатридан излашга мажбур бўлади. "Сизнинг тилингизда чиқибди тилим" мисраси энди унинг эътиборини XV аср воқеалари қаърига тортади.

Нега энди "Сизнинг тилингиз?", ўзбек тилида деса бўлмайдими, бўлади, бироқ у ҳолда шеърдаги поэтик мажозийлик вазияти йўққа чиқади. Ўзбек адабий тилининг асосчиси ҳақидаги поэтик қочирим барҳам ейди. Кейинги сатрлардаги ифодалаш ҳам шу йўсинда кечади.

*Севгида толе ёр жувон эканман,*
*Сизнинг маҳбублардан олибман таълим, —*

сатрларига сингдирилган поэтик мазмун яна ҳам теран. Яна ҳам кенг кўламлидир. Ўша сиз яратган маҳбубалар — Лайли, Ширинлардан таълим олганим учун ҳам, мана неча йиллар ўтдики, ҳамон ўша баҳор куйчисини "Баҳор келди сени сўроқлаб, қайдасан, деб дараклаш билан, унинг ёди билан ўзимни овутиш-ла бандман. Сизнинг маҳбубларингиз муаллимлик қилгани учун мен бу қисматнинг мушкул, оғир ва ўта бешафқат синовларига чидадим", демоқчи шоира. Зулфия опанинг "Қуёшли қалам" достони буюк адиб Ойбекка бағишлаб ёзилган бўлса, шоира адибнинг Навоий шаҳрига сафарини тасвирлаш борасида халқнинг буюк Алишерга бўлган меҳри, Навоий ижодининг асрлар оша барҳаётлик касб эта бориши сирларини лирик чекинишлар воситасида ўта таъсирчан ифода этади. Лирик чекинишдаги ифодалаш усули шартли-поэтик тамойил асосига қурилган. Шоира шартли-поэтик акс эттириш тамойилига амал қилиб, шоир асарлари ғояларининг барҳаётлигини ифодалаш учун Алишер Навоийни XV аср, Ҳирот бағридан бизнинг асрга Ўзбекистонга кўчиради.

*Навоий шаҳри бу! Мудом ёш, нурли,*
*Бемисол, бетахмий шеър даҳосидай.*
*Ўхшаши йўқ бу кўрк эркалаб кўзни,*
*Адиб асабини дўл шарросидай.*

Шартли - поэтик шартлилик тамойилидан фойдаланиб, у ёки бу ғояни ифодалаш контекстдаги лирик кечинма оқимига таъсирчанлик бахш этади. Ўқувчи диққатини ўзига тортади, натижада унинг бу ғайритабиийлик асосидаги моҳиятни билишга, аниқлашга бўлган қизиқиши ортади. Бунинг учун, шубҳасиз, мазкур сатрлардагидек, воқеа-ҳодисалар ва шахсларни узоқ ўтмишдан ҳозирги даврга кўчиришга асос бўладиган, бундай восита орқали айтилмоқчи бўлган фикрнинг салмоқдорлигини таъминлайдиган поэтик мақсад бўлиши керак.

Зулфиянинг "Қуёшли қалам" достонидаги сатрларда Навоий ғоялари ва яратган қаҳрамонларнинг фаолият, интилишларидаги замонамизга ҳамоҳанг, унга уйғун чизгилар ана шундай асос вазифасини ўтайди.

Зулфиянинг Навоий образини талқин этишдаги ўзига хослиги, оригиналлиги ҳам ана шунда. У устоз Ойбекнинг Навоийга бўлган улкан ва беадоғ меҳрини ҳам, биз учун шунчаки меҳрдек туюлган бу ижодий ҳолат заминидаги ўта мураккаб, ўта машаққатли меҳнатни ҳам теран ҳис қила олган. Шоир номи билан аталган "бемисол, бетахмий" шаҳарни кўриб ҳар қандай санъаткор ҳам Ойбек тушган вазиятни бошидан кечирмайди. Мабодо бу ҳолатни ўзга шоир ёки адибга нисбатан берсак, бу муайян маънода мантиқсизлик бўларди. Қолаверса, бу ўринда Ойбек шахсига хос хусусият — кўтаринки жўшқинлик ва ўта фидойиликни ҳам унутмаслигимиз керакка ўхшайди. Ана шуларни яхши теран ҳис қилгани учун Зулфия Навоийни нисбатан қисқа туйғулар тўлқинида бўлса ҳам XV асрдан бизнинг давримизга кўчира олган.

Алишер Навоий образига хос чизгиларни бериш орқали ўқувчи тасаввурида муайян туйғуларни жонлантириш усули нисбатан ранг-баранг бўлиб, уларнинг нечоғлик оригинал ва бетакрор чиқиши муаллифларнинг бадиий тафаккур қудрати билан изоҳланади.

**Нурулла АҲМЕДОВ,**
**филология фанлари доктори**

*Teran tomirlar*

# БУЮК ШАХСЛАР СИЛСИЛАСИ

(Тўртинчи мақола)

Бундан анча йиллар муқаддам Радий Фишнинг "Жалолиддин Румий" китоби қўлимга тушиб қолди. Китобда сўфийлик тариқати, шахс тарбияси ва кароматларига оид маълумотлар бор эди. "Уламолар султони" дея ном олган Баҳоваддин Валаднинг Муҳаммад Хоразмшоҳ билан келиша олмай муридларини олиб Хоразм сарҳадидан чиқиб кетиши ва унинг башоратига кўра, шундан сўнг Чингиз босқинининг бошланиши қизиқарли йўсинда ҳикоя қилинганди. Айниқса, "уламолар султони"нинг ўғли Жалолиддин Румий тариқат қоидалари бўйича қай йўсинда чиниққани биз учун айни мўъжизанинг ўзи эди.

Ёдда муҳрланган бир воқеа. Баҳоваддин Валад юртдан бош олиб кетаётиб, Бағдод йўлига қадам босганида унга соқчилар пешвоз чиқиб, "қаердан келаяпсан ва қаерга кетаяпсан" деб сўрайдилар. "Аллоҳдан келаяпмиз ва Аллоҳга кетаяпмиз" дея жавоб қайтаради уламолар султони. Бу жавобдан барча ҳайрон қолади ва ўша муборак сўз улуғ Шайх қулоғига етиб боради. Оқибатда уни ва жамоасини Шайх эҳтиром ила қабул қилади...

Мазкур китоб ўзбекчага ўгирилган пайтлари ҳали динга муносабат яхши эмасди. Сўфийлик тариқати қора бўёқларда изоҳланарди. Негаки, марксизм таълимоти моддиюнчиликдан бошқа назарияни тан олмаган. Аммо, қиш кунида барқ урган қулупнайдек ўша битиклар зиёлиларга маъқул келганди, уларни ҳайрату завққа ошно этганди.

Радий Фиш кўпгина манбаларни синчиклаб ўрганганı талқинидан маълум. Хусусан, Алишер Навоий қаламига мансуб "Насойим ул-муҳаббат" рисоласида қуйидагиларни ўқиймиз: "Шайх Баҳоуддин Валад қ.т.с. Оти Муҳаммад б. Ҳусайн б. Аҳмад Хатиб Букрий. Баъзи дебдурки, шайх Нажмуддин (Шайх Нажмиддин Кубро. —Б.Р.) суҳбатига етибдур. Амир ул-мўъминин Абубакр р.а. фарзандларидиндур. Онаси Хуросон подшоҳи Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қизидур..."

Дунёнинг биров англаб билмайдиган сир-синоати шундайки, эзгулик ва ёвузлик баб-баробар равнақ топаверади. Хусусан, ўн учинчи асрнинг иккинчи ўн йиллигида Хоразмда илму маърифат олий мақомига етди. Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Маждиддин Бағдодий, Фаридиддин Аттор каби ўнлаб мутафаккирлар мамлакатни маънавият бешигига айлантирган эдилар. Жаҳоннинг турли бурчакларидан Урганжга илм таҳсили учун келишарди. Қисқа йўсинда айтганда, Урганж жаҳон маданияти сарчашмаси мақомида эди.

Хоразмшоҳнинг ичкиликка берилгани ҳамда бир гуруҳ иғвогарлар сўзига учгани ғанимларга қўл келди. Поёнсиз саҳроларда дайдиб юрган Чингизхон илму урфон машъаласини ўчирмоқ мақсадида жанг майдонига чиқди. Аммо, бундан сал аввалроқ катағонни Хоразмшоҳнинг ўзи бошлаб юборганди. Навоий бу ҳақда шундай деб ёзади: "... Шайх Маждуддин Хоразмда ваъз айтур эрди ва Хоразмшоҳнинг онаси ваъзига борур эрди. Ва жамила заифа эрди. Душманлар фурсат асрадилар ва Хоразмшоҳ маст эканда, анга айтиларки, онанг Имом Абу Ҳанифа мазҳаби билан Шайх Маждуддиннинг никоҳиға кирибдур. Султон бағоят мутағаййир бўлди ва буюрдиким, Шайх Маждуддинни Жайҳун суйиға солдилар..."

Кубронинг содиқ муриди, Фаридиддин Атторнинг пири, улуғ мутафаккир, шоир Шайх Маждиддин Бағдодийнинг қатл этилиши аксарият уламоларнинг ғазабини келтирган. Жумладан, Баҳоваддин Валад ҳам подшоҳга қаттиқ гаплар айтгани эҳтимолдан холи эмас. Ҳар ҳолда уламоларга нисбатан беписанд муносабат унинг хафсаласини пир қилгани аниқ.

Навоий ёзади: "... Зоҳир уламосидин аҳли ҳасад ани замон подшоҳи хуружиға муттаҳам қилдилар ва Балхдин узр қўлдилар. Ва ул вақт Мавлоно Жалолуддин кичик ёшлик эрди. Ва алар Бағдод йўли била Макка азимати қилдилар. Чун Бағдодға еттилар, жамъи сўрдиларки, булар не элдурлар, қайдин келиб, қаён борадурлар? Алар дедиларки, (Аллоҳдан Аллоҳга! Қўрқув ва қувват фақат Аллоҳдин бўлур!) Бу сўзни Шайх Шиҳобуддин Суҳравардий қ.с.ға еткурдилар. Дедики, (бошқа киши эмас бу — Баҳоуддин Балхийдир) ва истиқбол қилди".

Ёш Жалолиддин шу тариқа Туркиянинг Кўния шаҳрига келиб қолади. Айнан ўша вақтда мўғул босқинчилари Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг кулини кўкка совуришади. Жумладан, Балхнинг тўрт юз уламоси қиличдан ўтказилади. Кимёназар, бетакрор шахс Шайх Нажмиддин Кубро, буюклар буюги Шайх Фаридиддин Аттор шаҳид бўлишади.

Дарвоқе, сафар чоғида Жалолиддин Аттор билан учрашган. Навоий ёзадики: "... Маккага борурда Нишобурда шайх Фаридиддин Аттор қ.с. суҳбатиға етишдилар. Шайх "Асрорнома" китобин аларға берган экандур. Доим ўзлари била асрар экандурлар".

Маълумки, шарқ файласуфлари таълимоти мактаб партасида ҳам, олийгоҳларда ҳам кенг миқёсда чуқур ўрганилмайди. Шу боис Мавлоно Жалолиддин Румий даражасини муштарийлар яхши англамасликлари мумкин. Алҳол, таниқли олим Нажмиддин Комилов қаламига мансуб "Тафаккур хазинаси" ("Ичингдаги ичингдадир" рисоласига ёзилган) сарлавҳали сўзбошидан бир неча сатрлар келтирсак: "Жалолиддин Румий ёки Мавлоно Румий (1207-1273) номи билан машҳур бўлган зот дунёнинг улуғ донишмандларидан бири, беназир шоир ва бетакрор бир мутафаккир, валий инсондир. Уни гоҳ Спиноза, гоҳ Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Мавлоно Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишда намоён бўлади". Ҳақ гап. Шу боис Алишер Навоий Румий шахсиятига алоҳида меҳр ила қараган. "Насойим ул-муҳаббат" рисоласида унинг умр баёнига барча шайхлардан кўра кўпроқ варақ ажратгани сўзимизга далил.



Мавлоно Жалолиддин Румий Шайх Мансур Халлож ҳамда Шайх Фаридиддин Аттор таълимотини янада ривожлантирди. У фақир алфозда кун кечирди. Асл бойликни илмда деб билди. Ана шу фалсафасини содда йўсинда тушунтириб дейдики: "Денгизга бориб, ундан фақатгина бир кўза сув олмоқ билан қаноатланиш — ачинарли. Денгиздан олиш мумкин бўлган дур-жавоҳирлар ва бошқа қанчадан-қанча нарсалар бўла туриб, биргина сув олишнинг нима қиммати бор? Ақлли инсонлар бу билан қандай қилиб мақтанадилар ва нима деган одам бўладилар?" (Мазкур парча ва бундан кейинги парчалар "Ичингдаги ичингдадир" рисоласидан олинди).

Румий ҳазратлари "денгиз" деганда инсоннинг ҳаёт тарзини назарда тутади. Алалхусус, инсон бу ёруғ оламга ташриф буюраркан, Оллоҳ неъматларидан баҳраманд бўлади: ейди, ичади, насл қолдиради, бойлик йиғади, жамиятда нуфуз эгаллашга интилади. Буларнинг барчаси нафсни қондириш йўлидаги сайъ-ҳаракатлар, яъни умр уммонидан бир кўза сув олмоқдир. Хўш, шундай экан, туғилмоқдан асосий мақсад нима ўзи? Аввало, одам ўз хоҳишига биноан туғилмайди. Туғилдими, демак ўзлигини англаб етмоғи жоиз. Бироқ нафси ўзликни англаш йўлига ғов ташлайди. Асл гўзаллик денгиз мовийлиги бўлса, одамзот нафси ўша нафисликни ҳаракатга келтиради: "Олам — бир кўпик. Авлиёлар билимлари — денгиз. Денгизнинг дури қаерда? Бу олам хасхашак билан тўлган кўпикдир, фақат бу кўпик денгизнинг чайқалишидан, ўйноқлашидан ва кўпириб қайнашидан покланади, софланади, гўзаллашади".

Бирон егулик тановул қилса, одамнинг нафси ором топади. Бойлик обрў-эътибор, нуфуз ҳирсни уйғотиб юборади. Бу — ҳаёт тарзи, аммо асл завқ худди ўша нарсаларда эмас. Румий дейдики: "Хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар ва ҳоказо нарсалар одамлар ҳирсини қитиқлайди. Буларнинг ҳаммаси дунё завқидир. Модомики (у) безатилган бўлса, унда ҳақиқий гўзаллик ва яхшилик йўқдир, бу гўзаллик унда муваққатдир ва ўзга бир ердан келган демакдир. Дунё олтин қопламали сохта пул кабидир...".

Румий инсоннинг мақомини юксак деб тушунади. Тўғри, у ўз табиатининг мутлоқ ҳокими эмас. Аммо нафсни тийиш, жиловлаш мумкин-ку, ахир? Ўзликни англашнинг энг муҳим шарти нафс устидан ғалаба қозониш ҳисобланади.

Инсоният тарихидаги жамики урушларга одамзотнинг нафси сабабчи эди. Мисол тариқасида айтсак, салтанати ҳудудини кенгайтириш, беҳисоб бойликларга эга бўлиш мақсадида Чингизхон нене шаҳарларнинг кулини кўкка совурди, обидаларни ер билан битта қилди, донишмандларни қиличдан ўтказди. Агарда унда нафс тушунчаси устуворлик қилмаганда эди, у ҳолда қиличини қинидан чиқармаган бўлур эди. Жаҳондаги барча қинғир ишлар, низою жанжалларнинг илк сабаби нафсга боғланади. Ақлли, иймонли кишилар ҳеч қачон нафс домига тушмаганлар, бинобарин мол-дунёнинг ҳаддан зиёди зиён келтирмоғи мумкин. Аммо ақл-заковатнинг ортиғи башарият учун фойда келтиради, холос.

Румий ҳазратларининг фикрича, "Инсон тангрининг устурлабидир". Яъни телескопи. "Фақат бу устурлабни биладиган мунажжим лозим, — дейди файласуф, — деҳқон ёки баққолнинг устирлаби бўлгани билан уни ишлата олмагандан кейин нима фойдаси бор? Улар устурлабда кўринган фалаклар аҳволидан, ҳаракатларидан, буржларнинг ўзгаришларию таъсирларидан... нимани ҳам тушунардилар? Кўринадики, устурлаб мунажжим учун фойдалидир. Чунки "ўзини билган Худосини ҳам билади" (Ҳадис). Шу нуқтаи назардан, устурлаб фалакнинг қандай кўзгуси бўлса, инсон вужуди ҳам Оллоҳнинг шундай устурлабидир. Чунки Қуръонда инсон тўғрисида "Биз одам ўғилларини азиз қилдик" дея буюрилган".

Жалолиддин Румий ўз фалсафасини ривожлантираркан, Мансур Халлож таълимотига анча яқин келиб қолади: " Улуғ Оллоҳ инсонни билимли, илмли ва олим қилиб яратгани учун инсон ўз борлиғининг устурлабида вақти-вақти билан тангри тажаллисини ва беназир гўзаллигини порлоқ бир ҳолда кўради. Бу жамол мазкур кўзгуни ҳеч қачон тарк этмайди".

Ушбу ҳикматли гаплар чуқур идрок қилинганида шу нарса ойдинлашадики, Румий ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши. Файласуф моҳиятни шаклда эмас, балки ботинда, сийратда деб билади. У мумкин қадар дин фалсафаси ичига кирмоқни хоҳлайди.

Унинг фикрича, ибодат чин дилдан бўлмоғи жоиз. Яъни, инсон аввал ўзини танимоғи керак. Ўз қудратини билмоғи даркор. Кўркўрона мутелик, ожизликни тан олиш аъмоли саодат сари элтмайди.

Румий дин фалсафасини, шакл ва моҳият тафовутини қуйидагича изоҳлайди: "... Набий: Менинг Оллоҳ билан шундай бир вақтларим бўладики, унга на Тангри томонидан жўнатилган бир Пайғамбар ва на Тангрига энг яқин бўлган бир фаришта сиғади" (Ҳадис) дея буюради. Демак, намознинг моҳияти фақат ётиб-туришдан иборат бўлмай, балки истиғроқ, яъни ўзидан кечиш эканлигини билдик. Чунки барча суратлар ичкари киролмай, ташқарида қоладилар, ҳатто Жаброилдай пурҳикмат малак ҳам у ерга сиғмайди".

Файласуф шаклни асосий мақомда деб билиб, моҳиятни унутиш мунофиқлик эканлигини уқтиради. Дейдики: "Бири: "намоздан афзалроқ нима бор, деб сўради.

1. Айтганимиздек, намознинг жони (руҳи) ўқилган намоздан яхшироқдир.

2. Иймон намоздан устундир. Чунки намоз кунда беш маҳал, иймон эса ҳамма вақт фарздир. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин. Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузилиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади. Бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ. Худди мунофиқларнинг намози сингари".

Румийнинг мазкур хулосалари теран мантиққа эга. Чунки, дунёда динлар кўп. Тақво ақидалари кўп. Бироқ, Ҳақ — ягона. Ҳақни эса иймон воситасида танийдилар. Бинобарин, Румий таъкидлаганидек: "Намоз ҳар динда турлича, иймон эса ўзгармайди".

Бу гапларни айтаркан файласуф нималарни назарда тутади? Унинг асл мақсади нима ўзи? Ислом оламидаги қай ҳодисалар шу хулосаларни баралла айтишга ундаган? Мазкур саволларга бешинчи мақоламизда жавоб ахтаришни лозим топдик.

**Баҳром РЎЗИМУҲАММАД**

*Ўқувчи Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини ўзи мустақил ўқиши мумкин. Бироқ бу ғазалларни куйга солиб ижро этган ҳофизни тинглаганда, ўқувчида ўзгача бир ҳис-туйғулар жўш уради.*

*Денгиз кемасининг сафари бехатар бўлиши кема капитанига боғлиқ бўлганидек, маърузанинг талаба дидига мос тушиши, тўлиқ эътироф этилиши ҳам маърузачига боғлиқ.*



Mulohaza

# ТЎЙЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР...

*Ўзбекнинг болажон халқлиги азал-азалдан бутун дунёга маълум. Фарзандларни ўстириб камолга етказишда эса ўзига хос қийинчиликлар, хусусиятлар бўлади, албатта. Ислом динида ота-онанинг фарзанд олдида учта фарзи бор деб айтилади: болага яхши исм қўйиш, унинг илм ва касб-ҳунар эгаллашини таъминлаш ва ниҳоят уйлантириб қўйиш, турмушга чиқариш. Аммо, ҳозирги кунда ота-оналар ўз фарзларини бундан-да кўпайтириб юборишган. Айниқса, фарзандларини талтайтириб юбориш, уларга барча шароитни муҳайё қилиб бериш бизнинг халқимизгагина хос назаримда. Жумладан, тўйларнинг турлари "кўпайиб" кетганлиги кишини ташвишга солади.*

*Халқимиз умр бўйи йиққанини энг эзгу воқелик ҳисобланган тўйига сарфлайди. Никоҳ тўйидан ташқари, фарзанд туғилганидан то уйлангунича бешик тўйи, суннат тўйи, мучал тўйи каби бир неча маросимлар ўтказилади. Лекин ҳозир буларни ўтказишнинг янги-янги кўринишлари, яъни дабдабабозликка зўр бериш, манманлик, кибрланиш холатлари кузатилмоқда. Бунинг замирида ким ўзарга тўй қилиш, ўзини кўрсатиш каби халқимизга ёт иллатлар ётади. Бу эса исрофгарчиликнинг бир кўринишидир.*

*Аслида бу маросимларни ота-боболаримиз ҳам нишонлашган, лекин биз ҳозир тўйга сўяётган 2-3 ҳўкиз ҳисобига эмас. Бобомнинг айтишига қараганда, ўғил боланинг суннат қилинаётганлигини бегоналар билса, хосиятсиз бўларкан. Фақатгина яқин қариндошлар даврасида "ўғлимиз катта йигит бўлди" деб хурсандчилик қилинса етарли экан. Айни кунларда бўлиб ўтаётган суннат тўйлари эса ҳеч бир никоҳ тўйидан қолишмаётир.*

*Раҳматлик бувим Шукуржон момо биз невараларига рўзғор тутиш, тежамкорлик борасида кўп насиҳатлар берардилар. Ўзлари ҳам яшаб ўтган умрлари давомида етти нафар фарзандларини уйли-жойли қилган, оиласи фариштали, рўзғори баракали бўлишига шароит яратган бадавлат, обрўли хонадон соҳибаси эдилар. У киши инсоннинг хотирасига умрбод муҳрланиб қолиш даражасида тушунтирган панд-насиҳатлари ҳеч қачон қулоғимдан кетмайди. Бувим бармоқларини ёзиб (кафтини очган ҳолда), "агар шунчалик даражада рўзғоринг очиқ бўлса, унга ҳеч қачон кирим кирмайди, келгани ҳам учиб кетади, дерди. Кейин бармоқларини мушт қилиб тугиб, бунчалик даражада зиқналик билан иш кўрсанг-да, рўзғорингдан чиқим чиқмайди ва барака ҳам кираолмайди дерди ва рўзғорни мана бундай тутиш керак деб, қўл бармоқларини ярим тугган холда кўрсатардилар. Ана шунда уйингга барака кириб, қўлинг ҳам очиқ бўлади", дерди. "Ҳар қачон у йўқ, бу йўқ деявериш, нолийвериш яратганга ҳам ёқмайди, йўқ деганни қуритаверади ва аксинча, бор экан-ку деб сочавермасдан бир текисда тежамкорлик билан фойдаланиш зарур, рўзғорда ҳар бир нарсанинг ўз ўрни бўлади" деган сўзлар бувижонимнинг дуру гавҳарга тенг ўгитларидандир. Ана шуларни эслаб туриб бугун баъзи жойларда ўтказилаётган, янги ўйлаб чиқарилган урф-одатлар, ортиқча сарф-ҳаражат талаб этадиган тўйларнинг кимга кераги бор экан, деб ўйлаб қоламан.*

*Яқинда Ўзбекистон Миллий Университетининг ўзбек филологияси факультетида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам бу масалага тўхталиб ўтилди, ёзувчининг фикрлари тингланди.*

*Нима учун айнан ўзбекларда инглиз, француз, рус, тожик каби бошқа халқлардан фарқли ўлароқ никоҳ тўйлари ўта оммавий тусда, кўпхаржлилик билан ўтади, деган умумий савол ўртага ташланиб, шу мавзу доирасида баҳс-мунозаралар давом этди. Талабалар бири олиб, бири қўйиб ўз фикрларини баён этишди. Якуний сўзни ёзувчининг ўзи хулосалаб, шундай деди: "Ўзбек халқи азал-азалдан бой-бадавлат яшаб келган. Шу боис ҳеч кимга бўйин эгмай ўзига бек бўлиб турмуш кечирган. Пода-пода қўйлари, сурув-сурув моллари бўлганлиги боис, фарзандларининг тўйларини катта-катта дошқозонларда ош дамлаб, етти маҳаллани, етим-есирларни сийлаган. Эртаклардаги "қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша берибди" деган иборалар ҳам ўз-ўзидан келиб чиққан эмас.*

*Бироқ улар қарз кўтаришмаган, қўлидан келмаса чиранишмаган. Ҳозир эса қарз билан бўлсада "етти маҳаллага фалончи тўй қиляпти деган овоза кетсин" қабилида тўй қилинмоқда, бу эса кейинчалик янги ёш оиланинг ҳаётига ҳам салбий таъсир ўтказади".*

*"Маҳаллада дув-дув гап" бадиий фильмини барчамиз севиб томоша қилганмиз. Халқимизнинг ардоқли санъаткорлари ана шу асарнинг жонли, табиий чиқишига, айниқса, ўзбек халқининг соф, беғубор қалбини кўрсатиб беришга катта ҳисса қўшганлар.*

*Ана шу фильмда Ойпошша ўғлининг тўйига қизғин тайёргарлик кўради ва ҳамма нарса муҳайё бўлгач, "келин қочиб кетибди" деган даҳшатли хайқириқни эшитиб донг қотиб қолади. Шундан сўнг унинг кўзига қозондаги ошлар тангачага, ичимликлар пулга, барча ноз-неъматлар қоғозга айланиб қолгандек кўринади. Мана шу лавҳа барчанинг хотирасида яхши муҳрланган. Ҳозирги кундаги ҳашамли тўйлардан сўнг қарзини кўтаролмай ёки бошқа бирор арзимас сабаблар билан ажрашиб кетаётган ёш келин-куёвларнинг, ота-оналарининг холи Ойпошшага ўхшаб қолаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Хатто бир келинчакнинг ўз оғзидан этишганим шу бўлдики, қайнонаси "Сизни шу уйга келин қилиб тушириш учун кўп қарз кўтардик, энди шуни ўзларингиз тўлайсизлар", деб келин-куёвни асал ойида далага чиқариб юборган экан. Мана сизга дабдабали тўй беришнинг оқибати...*

*Ҳар бир вилоятнинг, ҳудуднинг ўзига яраша урф-одатлари, анъаналари мавжуд. Лекин, уларга ҳам аста-секинлик билан ўзгаришлар киритилиб борилар экан. Масалан, Хоразм вилоятида туширилажак келин учун қалин пули, янада тўғрироғи сут пули (она қизига берган сутига розилигини олиш мақсадида) берилган, ўша пайтдан бу тушунча туя, сигир, қўй каби жониворлар билан ўлчаниб, фалон туя, фалон қўй бераман деб келишилган. Келиннинг барча сарполарию оёқ кийим, тақинчоқларигача куёв томон сандиқда олиб борган. Қуда бўлмиш битта гилам, кўрпа-тўшак, "қўли узунроқ" бўлса иккита гиламни қизига сеп қилиб жўнатган.*

*Замоннинг ўзгаришини қарангки, ҳозир Тошкент шаҳри, Самарқанд вилоятларидаги қизга қўшиладиган сеп Хоразмга ҳам аста-секинлик билан кириб келмоқда. Бундан кўрамизки, вақт ўтиши билан одамлар ўзларига янги-янги одатларни ўйлаб чиқаришмоқда.*

*Бунисн ҳам майли, мамлакатимиздаги барча тўйларнинг дастурхонига қўйиладиган ноз-неъматлар бир чеккада қолиб, асосий нарсадек, ароқни дастурхонга қўйиб чиқишади. Гўёки, ароқ чиқаришмаса, одамлар гапирармиш? Дейлик, одамлардан уялиб, тўйга келган ёру биродарингизга шу шайтоннинг сувини улашиб чиқдингиз. Уни ичиб, маст бўлганлар яхшигина ўтаётган тўйни бузаётганликлари, неки вайронагарчиликлар бўлса, барчаси тўйларда юз бераётганлиги наҳотки одамларга етарли сабоқ бўлмаса? Бу ҳақда телевидениеда, радиода, газета саҳифаларида неча мароталаб бонг урилмоқда, таъкидланмоқда. Бироқ, ҳозирча аҳвол бутунлай ўнгланганича йўқ.*

*Никоҳдай покиза, умрда бир марта бўладиган воқелик дунёда йўқ. Иккала оиланинг кўп йиллик орзулари ушалар экан, фарзанди туғилганидан бери йиққанини дастурхонга қўйиб, юртни чорлар экан, келин-куёвнинг ҳаёт остоналарини қутлуғ айлаб, тўйни ортиқча шовқин-суронсиз, исрофгарчиликсиз, бежиримгина қилиб, ёру дўстлар даврасида камтарингина ўтказилишига не етсин!*

*"Обод маҳалла" йили аввалида тўйларнинг ораста ўтказилишига умид билдириб, мамлакатимизда тўйлар кўпаяверсин, бахтли оилалар сонига яна бахтиёр оилалар қўшилаверсин деб ният қиламиз.*

***Назоқат ХОЛМЕТОВА,***
***"Ma'rifat" мухбири***

# МАЪРУЗАНГИЗ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА?

Халқимизнинг ёш авлоддан умиди катта. Бугун олий таълим муассасаларида илм эгаллаётган ёшларнинг савияси анча юқори. Улар қизиқувчан, компьютер технологияларидан хабардор. Улар аудиторияларда ўтилаётган назарий машғулотларга нисбатан ўз муносабатларини билдириш имкониятига ҳам эга. Талаба энди маърузачи томонидан берилаётган ахборотларни аввалгидек абсолют хақиқат деб қабул қилмайди, балки уларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириш, ўзи кўриб ва таҳлил қилиб, сўнгра ўзига хос хулоса чиқариш имкониятига эга.

Агар маъруза юқори савияда эканлиги тан олинса, нур устига нур. Аксинча ҳолатда эса унинг ўқитувчига ихлоси ва ҳурмати бутунлай сўнади, фанни ўзлаштиришга қизиқмай қўяди. Уни юзаки, фақатгина зарур миқдордаги рейтинг балини тўплаш ва якуний назоратдан ўтиш учунгина ўқийди. Талабалардаги бундай муносабатнинг илдиз отиши эса чаласавод мутахассислар тайёрлашнинг энг "қулай" йўлидир.

Маъруза кимга мўлжалланган бўлмоғи керак? Иқтидорли талабагами, ўртамиёна ёки номига ўқиб юрган талабагами? Маърузани сўнгги тоифага мансуб талабалар ҳам тушунсин деб ибтидоийлаштириш керакми? Бу олий ўқув юрти дастурига киритилган ҳар қандай фан бўйича маъруза ўқийдиган ўқитувчини қийнайдиган саволлардир. Кўпчилик домлаларнинг фикрига кўра, маъруза ўртамиёна талабага мўлжалланган бўлиши керак. Лекин бизнингча, бундай йўл тутиш ҳам ярамайди. Чунки бугунги кунда умумий билим савияси юқори кадрларни тайёрлаш талаб қилинмоқда.

Маъруза матнларини мунтазам равишда янгилаб бориш керак. Жаҳон тилшунослигидаги кашфиётлар, олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар, юзага келган янги йўналишлар, методлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш зарур. Бу бир қарашда жуда мураккабдек, аммо бажарса бўладиган иш.

Университетимизда маъруза ўқиш жараёнида асосий масалаларни талабалар ҳукмига ҳавола қилар эканмиз, катта йўналиш ва мавзулар бўйича интернет тизими орқали электрон библиография тузиш буюрилади. Ҳар бир маъруза ёки семинардан сўнг бу маълумотлар кўриб чиқилиб, мавзуга бевосита алоқадор бўлган файлларни ўрганиб чиқиш ва энг муҳим жойларини қоғозга тушириб келиш топширилади. Талабалар учун бу курсда ўтиладиган маъруза энди "ахборотни пассив қабул қилиш акти" бўлмай, балки интерфаол режимда ахборот алмашинув жараёнига айланади. Бу тарзда талабаларнинг илгаригидек уйқусираб, маърузанинг ниҳоясини кутиб, зерикиб ўтириш каби салбий ҳолатларнинг йўқолишини кузатаяпмиз.

Pedagogik texnologiya

Талабаларга маърузачини танлаш имкониятини бериш ҳақида бош қотирмоқ керак. Бунинг учун талабалар сони кўп ва маъруза оқимлари камида 2 та бўлиши талаб этилади. Бир фандан маъруза ўқишни 2 та ёки гуруҳлар сонига қараб 3-4 та бўлимга режалаштириш керак. Бу маърузалар дарс жадвалига бир пайтга қўйилади ва маърузачини ўзлари танлашлари мумкин бўлади. Шу йўл билан маърузалар сифатини баҳолашнинг яна бир имконияти яратилади.

Ҳар бир ўқитувчининг муайян бир фандан ўз маъруза матнлари яратилиб, керакли нусхада кўпайтирилиб, ўқув заллари ва кутубхонага қўйилган. Талабалар маърузачини танлаш учун биринчи навбатда ўша матнлар билан танишиб чиқади ва дастлабки тасаввурга эга бўлади. Айрим пайтларда талабалар "Бизга маърузанинг нима кераги бор? Унинг ўрнига тилни амалий ўрганиш дарсларини ўтса бўлмайдими?" деган саволлар билан мурожаат қилишади. Бундай фикрнинг пайдо бўлишига эса биринчидан, талабага у ёки бу фандан маъруза ўқийдиган домланинг савияси пастлиги сабабдир. Қолаверса, талабанинг ўзи ҳам ғўр, унинг тафаккури мураккаб, таҳлил талаб қиладиган ментал операцияларга тайёр эмас.

Кўриниб турибдики, бу нозик масалада икки ҳолатда ўқитувчи ва бир ҳолатда талаба айбдор. Бу ҳолат олий таълим муассасаларида дарс бераётган профессор-ўқитувчиларимизни сергаклантириши лозим. Маърузаларга нисбатан эскича муносабат мавжуд, яъни жуфтлик давомида талаба қулоқ соладими, йўқми, мавзу долзарбми-йўқми бунга эътибор берилмайди.

Маъруза ўқиш ва унга алоқадор жараёнларда замонавий таълим технологияларини қўллашнинг яна бир тури масофавий таълим тизими ҳисобланиб, ҳозирда университетимиз турдош олий ўқув юртлари ичида етакчи ўринни эгалламоқда. Ёпиқ электрон тизим ташкил этилиб, унда масофадан туриб маърузалар ўқиш усули синаб кўрилмоқдаки, бунга кўра, пойтахт маъруза залида етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан ўқилган маъруза барча вилоятлардаги ОЎЮларининг тегишли факультет ва бўлимлари талабалари томонидан тингланади ва намойиш қилинадиган материаллар, жадвал ва схемаларни ўз кўзлари билан кўришади. Пойтахтдаги маърузачини Нукус, Термиз, Андижон, қолаверса, бошқа шаҳарлардаги ОЎЮлари маъруза залларида ўтириб тинглашлари мумкин.

Маърузалар юқори малакали мутахассислар тайёрлашда ўзига хос рол ўйнар экан, уларни бир хилликдан, зерикарли услублардан тозалашимиз керакка ўхшайди. Денгиз кемасининг сафари бехатар бўлиши кема капитанига боғлиқ бўлганидек, маърузанинг талаба дидига мос тушиши, тўлиқ эътироф этилиши ҳам маърузачига боғлиқ.

***Акром ҚЎЛДОШЕВ,***
***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети "Инглиз тили грамматикаси" кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент***

# ДАРСЛАРГА ИЖОДИЙ ЁНДОШМОҚ ЗАРУР

**Дарс - таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг энг қулай, энг зарур омилидир. Бугунги туб бурилишлар даврида дарснинг шакли ва мазмуни, унинг ғоявийлиги, таъсирчанлиги, самарадорлиги ҳам ўзгармоқда. Шу мақсадда кейинги пайтларда кўплаб ижодкор ўқитувчилар дарснинг ноанъанавий турларига эътибор қаратаётганлиги ҳам табиийдир.**

**Ноанъанавий дарсда миллий қадриятлар, аждодлар ўгитлари, асотирлар ва ривоятлардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Она тили ва адабиёт дарсларида баҳру-байт, тез айтиш машқларини ўтказиш, саҳналар тайёрлаш кабилар бу икки фаннинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Ўқувчиларимиз ўзлари сезган ва сезмаган ҳолда бу фанларни жон-дилдан севишади. Негаки, она тилига муҳаббат бизнинг жону қонимизга, жисму танимизга она сути билан кирган, десак муболаға бўлмайди. Бу туйғу ҳар биримизга нондай азиз, жондай ширин, сув ва ҳаводек зарур туйғудир. Адабиётга иштиёқ эса ҳали адабиёт сўзи ва адабиёт фани шаклланмасдан анча илгарироқ пайдо бўлган. Демак, адабиёт дарсини севмаслик мумкин эмас. Агар ўқувчи она тили ёки адабиёт дарсидан безган бўлса, бу унинг эмас, балки сизу бизнинг айбимиз бўлади.**

**Ўқувчилардан "Ўтган кунлар" романи ҳақида сўрасангиз, кўп ҳолларда: "Кумуш Отабекни севади. Зайнаб уни заҳарлайди" деган гапдан нарига ўтолмайдилар. Ваҳоланки, бу асарда буюк аъмоллар, олий мақсадлар тўғрисида гап боради. Унда ота билан ўғил, қайнона билан келин муносабатлари шу қадар гўзал акс эттирилганки, биз уларнинг ҳар бирини ажратиб, таъкидлаб кўрсатишимиз, ўғил-қизларимизнинг эътиборини шу ҳолатларга қарата билмоғимиз керак. Улар Отабек билан Кумушнинг муҳаббатини эмас, балки Ўзбекойимнинг дардини ҳам, Юсуфбек хожининг изтиробларини ҳам ҳис қилсинлар. Бебахт Зайнабдан нафратланишдан олдин унинг машъум тақдири тўғрисида ҳам мулоҳаза юритсинлар. Тарихий давр, Қўқон ва Тошкентдаги ижтимоий парокандаликлар тўғрисида ҳам ўйласинлар. Чунки адабиёт бирор қизиқроқ саргузашт ва воқеалар тафсилотидангина иборат эмас. Воқеалар илдизи ва оқибатлари асарнинг асл мундарижаси эканлигини ҳеч қачон унутиб бўлмайди.**

**Мен педагогик фаолиятимда замонавий дарснинг ноанъанавий турларини жуда кўп синаб кўрдим ва бу борада талайгина ижобий ютуқларга эришдим. Масалан, Бобурнинг ҳаёт йўли, лирикасига бағишланган ноанъанавий дарсга тайёргарлик жараёнида талабалар мустақил изландилар, жуда кўп ғазалларни ёд олишди, саҳна кўринишларини тайёрлашди. Дарс бошидан охиригача ўзгача бир тарзда ўтди, яъни талабалар учун ижодий муҳит яратиб берилди. Дарсда Бобурнинг зиддиятларга тўла ҳаёти, ўша пайтдаги шиддатли давр ўқувчилар кўз ўнгидан бирма-бир ўтди. Ҳазин куй оҳангида ўқувчилар саксон дақиқанинг қандай ўтганлигини сезмай қолишди. Улар Бобур ҳаётига чуқурроқ кириб бордилар. Бу дарсдан сўнг шогирдларим Бобур ғазалларини бошқачароқ меҳр ва иштиёқ билан ўқишларига ишонаман. Демак, ана шундай махсус дарслар сонини кўпайтирсак, улар сифатини янада яхшиласак катта ютуқларга эришамиз.**

Tajriba

**Ҳозирги пайтда биз ўқитувчиларга ҳам жуда кўп эркинликлар берилди, яъни биз берилган режага ижодий ёндошган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга бўлдик. Масалан, мустақил ўқиш дарсларида айрим ўқувчиларга уларнинг ёшига тўғри келмайдиган асарлар ўрнига, ҳажми кичик бўлса ҳам тарбиявий аҳамияти катта бўлган ҳикоялар ўқитилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Яқинда ўқувчилар ҳукмига Асрор Самаднинг "Қорасон" номли ҳикоясини мустақил ўқиб чиқишни ҳавола этдим. Ҳикоя ҳажм жиҳатидан жуда кичик бўлгани билан мазмун жиҳатидан кенг қамровлидир. Дарсни қуйидаги режа асосида ташкил этдим:**

1. **"Ёғоч коса"**
2. **"Қайтар дунё",**
3. **"Нима эксанг, шуни ўрасан"**

**Дарс ўта жонли, баҳс-мунозара тарзида ўтди. Бу дарсда болалар иймон, виждон, диёнат, ота-онага меҳр, одамийлик ҳақида узоқ тортишдилар. "Оталар сўзи-ақлнинг кўзи", "Бегойим", "Азизим" каби кўрсатувлардан видеотасвирлар кўрсатилди, Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифдан далиллар келтириб, фикрларини исботлашди.**

**Мана шундай дарслардан келиб чиққан ҳолда шу нарсага амин бўлдимки, биз тарбия бераётган болалар ўз қадрини биладиган, билимли, мулоҳазали, иймони бут, мустақил фикрлайдиган талабчан йигит-қизлардир. Шунинг учун биз эндиликда болаларимизни Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Номоз Ботирдек мард, жасур, иродали ва ватанпарвар қилиб тарбияламоғимиз, уларнинг ҳаёт йўлларини ўрнак қилиб кўрсатмоғимиз лозим.**

**Ноанъанавий дарсда эски, ўз самарасини бермайдиган, ҳафсалани пир қилувчи баъзи бир қолиплардан воз кечиб, ўқувчиларни эркин фикрлашга ундайдиган муаммоли, бирон бир мақсадга йўналтирилган масалаларни ўртага ташлаб муҳокама этиш тарафдориман.**

**Ҳар бир дарсда, энг аввало ижобий муҳит яратилиши керак, сўнгра замонавий жиҳозлар - кўргазмали қурол, техник воситалардан фойдаланишга эришиш зарур. Масалан: ўқувчи Навоий, Бобур, Машраб ғазалларини ўзи мустақил ўқиши мумкин. Бироқ бу ғазалларни куйга солиб ижро этган ҳофизни тинглаганда, ўқувчида ўзгача бир ҳис-туйғулар жўш уради.**

**Мен она тили ва адабиёт дарсларида компьютерга ҳам мурожаат қилиб кўрдим. Бу борада илм масканимизда 500 дан ортиқ тест саволларидан иборат база яратилди. Бу эса тест назоратларини компьютерда ўтказиш имкониятларини бермоқда. Худди шундай ноанъанавий дарсни компьютерда ўтишни ҳам синаб кўрдим. Натижа ёмон бўлмади. Бу дарсда ўқув дастури асосида янги мавзу, кўргазмали қуроллар ва ҳатто шоир ғазаллари ҳам компьютерга киритилди. Компьютер ёрдамида ғазал ўқиш техникасини мустаҳкамладик ва таҳлил қилдик. Дискетта ёзиб олинган ҳазин мусиқа дарсимизнинг таъсир кучини ҳамда савиясини янада оширди.**

**Шу билан бирга, ҳар бир дарсда ўқитишнинг техник воситалари — кодоскоп, аудио ва видео магнитофон, телевизор, видеонигох, мультимедиа тизимларидан унумли фойдаланиш дарсимизнинг савиясини оширишга катта ёрдам бераяпти.**

***Гулистон ЖЎРАЕВА,***
***Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежининг олий тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси***

# МУЗЕЙ ПЕДАГОГИКАСИ

***У музейга меҳр қўйишни ёшликдан бошлаш зарурлигини уқтиради***

Музейлар — тарих кўзгуси. У ўтмишдан қолган тарих, маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимига солинган йиғиндиси бўлиб, ундаги экспонатлар амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ сақланади ҳамда намойиш этилади. Дунёда шундай музейлар борки, улардан олам-олам таассурот оласиз. Очиқ осмон остидаги музейлар, махсус иншоотлардаги музейлар, тарихий музейлар азалдан минг-минглаб сайёҳларни оҳанрабодек ўзига тортиб келган. Юртимизда XIX аср охирларидан бошлаб музейлар барпо этила бошланди.

Ҳозир республикамизда 1 минг 200 дан ортиқ турли йўналишдаги музейлар мавжуд бўлиб, уларнинг фаолияти асосан мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг анча жонланди. Жумладан, 1996 йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда Темурийлар тарихи Давлат музейи барпо этилди. Орадан икки йил ўтгач, 1998 йил 12 январда Президентимиз И. Каримовнинг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниб, музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди. Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон Давлат табиат музейи ҳамда республикамиз вилоятларидаги кўпгина музейлар қайтадан таъмирланди. Шунингдек, жорий йилда 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи барпо этилди.

Бу кейинги ўн йил мобайнида музейлар фаолияти доирасида амалга оширилган энг асосий ишлардан ҳисобланиб, давлатимиз миқёсидаги йирик музейлар тобора ривожланиб бораётганидан далолат беради. Музейларда тегишли вазирлик ва ташкилотлар томонидан тузилган режалар асосида ҳар йили замонамизнинг амалий санъат асарлари кўргазмаси, фольклор байрамлари, экскурсиялар ва бошқа тадбирлар ташкил этиш анъанага айланган.

Темурийлар тарихи Давлат музейи-нинг масъул ходими Лобар Йўлдошеванинг берган маълумотига қараганда, жорий йилда музейшунос олимларимиз муҳим ишга қўл урди. Улар республикамиздаги музейлар фаолиятини янада юксалтириш мақсадида музейларни ривожлантириш илмий концепциясини ишлаб чиқмоқда. Мутахассислар фикрича, бу борада Ўзбекистон Давлат тарих музейидаги янги экспозициянинг илмий концепцияси барча музейлар учун намуна бўла олади. Ҳозир ушбу концепция ва тематик-экспозицион режалар кўпайтирилиб, республикамиздаги барча музейларга тарқатилмоқда.

Республикамизда учта музей-қўриқхона мавжуд бўлиб, улар турли даражадаги муассасаларга тобе. Булардан Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси Маданият ишлари вазирлигига қарашли бўлса, Самарқанд Давлат тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси вилоят маданият ишлари бошқармасига қарашли. Хива «Ичан қалъа» Давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси ҳам шу жумладан. Ушбу музей-қўриқхоналар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида уларни бевосита Маданият ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Бироқ, республикамиздаги барча музейлар ҳам замон талабларига жавоб беради дейиш қийин. Буни айниқса, вилоятлардаги тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида кўриш мумкин. Музейларда сақланаётган экспонатлар номлари ноаниқ, тушунарсиз ёзилгани, изоҳлар хато, аксарият фақат ўзбек тилида баён этилган. Ваҳоланки, бундай топилмаларга изоҳни уч тилда ёзиш лозим.

Самарқанд Давлат тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонасида бўлганимда шундай ҳолатга дуч келдим. Ушбу музей республикамиздаги энг йирик ҳамда экспонатлар кўп сақланадиган маданий масканлардан бири. Аммо бу ерда электр тармоғининг носозлиги туфайли экспонатлар билан батафсил танишиш имкони бўлмади. Маълум бўлишича, музейда электр токининг бўлмаслиги одатий ҳолга айланган экан. Шунингдек, Сўғдиёна, Бақтрия, Аҳмонийлар, Кушон, Хоразм давлатлари, Амир Темур давлатидан тортиб ҳозирги давргача бўлган экспонатлар, хариталар ҳар жойда, тушунарсиз ёзилган. Изоҳ ва, аннотацияларнинг ёзувлари ҳам анча эскириб қолган. Бу ўқувчи — ёшлар, қолаверса, бу ерга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар ҳафсаласини пир қилиши табиий.

Юртимизда энг замонавий музейлардан бири — бу Термиз Археология музейи десам муболаға бўлмайди. Ушбу музей 2002 йили нишонланган Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан очилган бўлиб, Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Музей Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва лойиҳаси асосида бунёд этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерга вилоят ўлкашунослик музейининг кўплаб экспонатлари кўчириб келингани музейнинг ички ва ташқи кўринишини янада гўзаллаштирган.

Бир сўз билан айтганда, музей жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган, экспонатларнинг хилма-хиллиги кишини қувонтиради. Музей кутубхонаси ҳам бадиий адабиётлар, тарихий ки-тоблар билан бойитилган.

Музейда олиб борилаётган ташкилий ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Музей ходимлари жорий йилда турли байрам ва тадбирларда фаол иштирок этиш билан бирга фахрийлар ва қарияларга, ўқувчи-ёшларга, кўзи ожиз болаларга, Бухорода ўтказилган олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада —2002» спорт мусобақаларида иштирок этган сурхондарёлик талабалар ҳамда «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивали қатнашчиларига имтиёзли хизмат кўрсатди.

Ушбу музейлар ҳақида фикр юритганимиз бежиз эмас. Чунки ҳар икки музей ҳам республикамиздаги йирик маданий-маърифий масканлардан. Лекин уларнинг иш юритиши, фаолияти турлича. Масалан, юқорида тилга олинган Самарқанддаги музей худди ҳувиллаб қолган, эгаси йўқ бинога ўхшайди. У ерда кун бўйи бўлсангиз ҳам одамларни учратиш қийин. Худди музейдаги экспонатлар расмиятчилик учун қўйилгандек.

Хўш, музейларни барпо этишдан мақсад нима? У кимларга хизмат қилиши керак?

Ҳозир пойтахтимиздаги мавжуд йирик музейлар фаолияти вилоятлардаги музейлардан ажралиб қолгандек. Балки бу борадаги ишларни янада мувофиқлаштириш, баҳамжиҳат олиб бориш керакдир.

Шунингдек, республикамиз музейларидаги осори-атиқалар таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Бундай ишларни ўзлаштириш учун Музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика таъмирлаш Маркази ҳамкорликда археология ишларини яхши йўлга қўйса, қилинадиган ишлар ривожи шунчалик тез кўзга ташланади.

Ўтмишдан маълум, ривожланган мамлакатларда барпо этилган очиқ этнографик музейлар шу юртнинг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган маданий-маърифий маскани саналган. Бунда шу халқнинг, қолаверса, жамиятнинг миллий маданияти, тарихи намойиш этиб келинган.

Шу ўринда бир таклиф, балким пойтахтимиз тарихи ва бугунги кунини кўрсатиб берувчи «Тошкент шаҳар тарихи музейи»ни ҳам ташкил этиш вақти ҳам етгандир.

Ҳозир Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонасида экспонатларнинг компьютерларда электрон карточкасини тузиш бўйича дастур ишлаб чиқилган ва шу асосда ишлар олиб борилмоқда. Бу усулнинг афзаллик томонлари кўп. Мисол учун, бу ерга келган киши ҳамма экспонат билан тўлиқ таниша олмайди. Бунга кўп вақт сарфлашга тўғри келади. Компьютерлардаги электрон карточкалар эса ўқувчи вақтини тежайди. Шунингдек, ҳар бир экспонат ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкони мавжуд. Бундай тадбирлар бошқа музейларда ҳам йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Музей педагогикаси одамларнинг музейга меҳр қўйишини ёшлик давридан бошлаш лозимлигини уқтиради. Мамлакат тарихига дахлдорлик туйғусини шакллантириш, тарбиялаш музей фаолиятининг асосий йўналишларидан. Музейлар таълим-тарбия, халқ учун хизмат қилувчи даргоҳ. Шундай экан, мазкур масканларга эътибор ёшларга, уларнинг келажаги, юртимиз фаровонлигига эътибор демакдир. Ушбу мулоҳазаларимиз бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида билдирилган таклифлардир.

***Беҳбуд БОТИРОВ***

## ҲИСОБОТ ТИНГЛАНДИ, ЭНДИ-ЧИ?..

**Икки ойлик текширувлар натижаси борасида БМТ Хавфсизлик Кенгашига ҳисобот берган халқаро инспекторлар раҳбари Ханс Award Award**



**ганлигини таъкидладилар. БМТ бош котиби Кофи Аннан Бағдодда инспекторларнинг фаолиятларини давом эттириш таклифи билан чиққан. Чунки, айнан улар Ироқнинг оммавий қирғин қуроллари бор ёки йўқлигини аниқлайдилар. Аммо, расмий Вашингтон келгуси ҳафтада разведка йўли билан қўлга киритилган Ироқнинг қурол дастурига алоқадор манбаларни эълон қилиш ниятида. Эҳтимолли дея айтилаётган урушнинг биринчи икки кунида эса Америка 800 та қанотли ракетасини ишга солмоқчи.**

## МАКТАБ БИТИРУВЧИСИ — АКАДЕМИК

**Россиялик 11-синф ўқувчиси Тимур Шаповалов физика-техника фанлари бўйича академик унвонига ҳамда Россия таълим вазирлигининг махсус дипломига сазовор бўлди. 18 ёшли Тимур Москва Физика-техника институти ташаббуси билан ўтказилган иккита халқаро**



**конференцияда иштирок этган ва аниқ фанлар бўйича ташкил этилган кўплаб олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритган эди. Энди у мактабни тамомлагач, мазкур физика-техника институтининг кибернетика факультетига ўқишга кирмоқчи.**

## АФҒОНИСТОНДА ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОКДА

**Афғонистон ва АҚШ қўшинлари мамлакатнинг Покистон билан чегарадош ҳудудларида жангариларга қарши ҳарбий амалиёт ўтказмоқдалар.**



**Маълум бўлишича, маҳаллий дала қўмондони Гулбиддин Ҳикматёр қўшинларига қарши қаратилган бу ҳаракатларда ҳаво кучларидан ҳам фойдаланилмоқда. Сўнгги тўққиз ой ичида энг катта тўқнашув, дея айтилаётган бу отишмаларда тахминларга кўра жангарилар сони 80 нафар атрофида. Эслатиб ўтамиз, Гулбиддин Ҳикматёр авваллари бир неча бор Ҳамид Карзай ҳукуматидан норози эканлигини билдирган эди.**

## БИЛЛ ГЕЙТС СПИДГА ҚАРШИ

**“Майкрасофт” компанияси раҳбари Билл Гейтс соғлиқни сақлаш тизимида глобал муаммога айланган СПИДга қарши курашиш учун 200 миллион доллар маблағ ажратишини маълум қилди. “Билл ва Мелинда Гейтс” жамғармаси ҳисобидан ажратилажак бу сумма Америка ҳукуматининг бу борада Соғлиқни сақлаш миллий институти жамғармасидан сарфлайдиган 20 миллион долларига нисбатан 10 баробар кўп демакдир. Компьютер жиҳозлари билан шуғулланувчи ушбу “Майкрасофт” компаниясининг хўжайини ҳисобланмиш Билл Гейтс бугун дунёдаги энг бой киши саналади.**



## ЎҒИРЛАНГАН МАШИНАЛАР

**“The Observer” газетасининг ёзишича, бугун Россияда 1,5 миллион дона ўғирланган хорижий автомобиллар бор бўлиб, уларда рус бизнесменлари, ҳукумат вакиллари ҳамда поп-юлдузлари юрадилар. Ғарбий Европа ва Америкадан ўғирлаб келтирилаётган “BMW”, “Mercedes”, “Bentely', “Cherokee Jeep” ва “Hummer” русумли машиналарнинг мамлакатга киритилишида божхона ходимларига пора берилса бўлгани. Жумладан, олмон суғурта компанияларидан бирининг ходими Уолтер Шмелценгнинг машинаси Германияда йўқолиб, Москвада пайдо бўлган. У ҳозир ҳам ўз машинасини олиб кетолганича йўқ. Биргина Германиядан ҳар йили 30 минг дона машина Россияга ўғринча олиб келинади. Уларнинг ўртача нархи эса 15000 еврони ташкил этади.**



## ҚУРБОНЛАР СОНИ 50 ДАН ОШИҚ

**Ҳиндистоннинг Колката (собиқ Калкутта) шаҳрида юз берган йирик автоҳалокат туфайли камида 50 киши ҳалок бўлиб, 15 нафардан ортиқ йўловчи жароҳатланган. “Стар ньюс” ҳинд телеканалининг хабар беришича, Орисса ва Ғарбий Бенгалия штатларини боғловчи автотрассада ҳаракатланаётган автобус ёнилғи ташувчи автомобил билан тўқнашиб кетиши боис, кучли ёнғин юз берган. Жабрланганлар Ховрах шаҳри шифохонасига келтирилганлар. Полициянинг билдиришича, тўқнашувга қуюқ туман тушганлиги сабаб бўлган.**



***“ИНТЕРНЕТ” тармоғидан олинди.***

**ТУЗАТИШ**

Газетамизнинг 2003 йил 25 январ 8-сонида эълон қилинган “Яратилган шароит — берилаётган имконият” сарлавҳали мақоланинг 5-сўзбоши 9-қатори “... 17 та таълим муассасаси 897 минг АҚШ долларидан зиёд миқдордаги маблағ эвазига жиҳоз билан таъминланди”, деб тузатиб ўқилсин.

Республика таълим маркази ходимлар касаба уюшмаси қўмитаси методист Наима Асқаровага отаси

**Абдували ота АСҚАРОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-мактаб жамоаси шу мактаб директори Сайфулла Маҳкамов ва бошланғич синф ўқитувчиси Маъмура Абдураҳмоноваларга оналари

**МУНАВВАР ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

*Xorijda ta'lim*

# ҚАДИМИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНГИ САМАРАСИ

Испания дунёдаги энг катта бўлган 50 та мамлакатлар қаторига кириб, Мадрид, Барселона, Валенсия, Севилья, Сарагоса, Билбаолар унинг энг катта шаҳарлари ҳисобланади. У ижтимоий ва ҳуқуқий демократияга асосланган давлат бўлиб, энг олий қонуниятлар, яъни эркинлик, адолатпарварлик, тенглик ва сиёсий плюрализм ғояларини ҳимоя қилади. Давлат бошлиғи Қирол Дон Хуан Карлос I де Борон миллатнинг ягона ва доимий рамзидир.

Испан халқи буюк мутафаккирларга, донишманд даҳоларга бойлиги билан эътиборлидир. Калдерон, Сиснерос, Лопе де Вега, Мигель де Сервантес, Ф. Кэведо, Ларра, В.Галдос, Гарсиа Лорка, Веласкес, Рубенс, Гойя, Нобель мукофоти совриндори Камило Хосе Селалар ана шулар сирасига киради.

Шу ўринда, Испания таълим тизими ҳақида тўхталишга қарор қилдик. Аввало, мамлакат Конституцияси таълим ҳуқуқини ҳимоя қилади ва унинг эркинлигини таъминлайди. Шу сабаб, бошланғич ҳамда ўрта таълим мажбурий ва бепулдир. Барча таълим тармоқлари, давлат таълим тизимини ҳуқуқ билан таъминлаш билан бирга, бу дастур асосида ҳамма таълим бўлимлари иш олиб боришига кафолат беради.

Таълим тизими ривожланиш жараёнининг бошланиши асосан 1970 йилларга тўғри келади, яъни қироликда иқтисодий тараққиётнинг кучайиши, таълим ислоҳотининг амалга оширилиши кузатилган давр. 1990 йилларга келиб бу соҳанинг барча тармоқлари кенг ривожланди ва сифат кўрсаткичлари ҳам ўсди.

Ҳозир эса мамлакатда саводсизлик батамом тугатилди, мактабгача, бошланғич, умумий таълим 16 ёшгача бўлган болалар учун 100 фоиз мажбурийдир.

2003 йил январ ойи маълумотларга қараганда, мактабгача таълим олаётган болалар сони давлат секторида 800 мингдан ортиқ, шахсий ва шартнома асосида билим олаётганлар эса 350 мингни ташкил этади.

Бошланғич мактабларда эса 2.700 минг, ўрта мактаб ва касб-ҳунар коллежларида 3,5 миллион ўқувчилар сабоқ олмоқда. Олий ўқув юртларида 1,5 миллиондан ортиқ талабалар тахсил олмоқдалар. Таълимни маблағ билан давлат ҳамда таълим ва фан вазирлиги, автоном маъмуриятлар ва маҳаллий корпорациялар таъминлайдилар. Давлат томонидан таълим учун ажратилган маблағ барча ҳаражатларнинг 80 фоизидан ортиқроғини ташкил этади. Бугун Испанияда 15 та нуфузли университетлар фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Мадриднинг Комплутенсе университети дунёдаги энг катта университетлардан бири бўлиб, унда 130 мингдан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда. Гранада университетида 75 минг талаба ўқимоқда. Энг қадимий, энг нуфузли олийгоҳлардан бири бўлмиш Алкала де Энареснинг фаолияти жуда бой ва хилма-хил, илмий йўналишлари жуда кўп. 1293 йили Алкалада олий коллеж ташкил этилиб, 1499 йили Кардинал Франсиско Сиснерос раҳнамолик қила бошлагач, унинг академик фаолияти яънада кенгайган ва университетга айлантирилган.

Ҳозир унинг 25.000 талабаси бор. Университет таркибида ўнга яқин факультет, бир нечта политехника мактаблари, ўқитувчилар тайёрлаш мактаби, тил марказлари, иккита йирик шифохона, кутубхона ва ботаника боғи мавжуд. Алкаланинг “Кампус” замонавий талабалар шаҳарчаси мавжуд бўлиб, ундаги шинам, барча қулайликларга эга бўлган ётоқхоналар, ўқув заллари, турли хил спорт майдончалари, алоқа воситалари, медицина хизмати, ошхоналар талабалар учун хизмат қилмоқда.

Лотин Америкасидаги барча олий ўқув юртлари Алкала де Энаресни намуна деб билади ва ундан андоза олади. Алкала де Энарес шаҳрида жаҳон адабиётининг буюк намояндаларидан бири, испан халқининг машҳур ёзувчиси М.Сервантес туғилган. Алкала университети 1998 йили ЮНЕСКО томонидан башариятнинг маданий мероси деб эълон қилинган. Яна бир муҳим жиҳати шуки, Алкала де Энарес 1391-1406 йилларда Кастилия-Леон Қироли дон Энрике III нинг Қароргоҳи ҳам бўлган. Қирол 1403 йилда машҳур тарихчи, бадавлат ва нуфузли оиладан чиққан Руи Гонсалес де Клавихони Самарқандга элчи қилиб юборган. Клавихо 8 сентябр 1404 йилда Самарқандга келган ва соҳибқирон Амир Темур билан бир неча марта учрашган. 1408 йилгача Алкала де Энаресда хизмат қилиб, кейинчалик умрининг охиригача она шаҳри Мадридда яшаган, 1412 йилда авлиё Франциско черковидаги ота-боболарининг хилхонасига дафн этилган.

Айни вақтда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида таълим соҳасида жуда катта ислоҳотлар амалга оширилаётгани дунёнинг обрўли илм даргоҳлари томонидан кенг эътироф этиб келинмоқда. Бунинг мисолида мамлакатимиз раҳбари И.Каримовга Алкала де Энарес университети ректори доктор Мануэль Гала Муньос томонидан “Сиснерос” медали, Фахрий диплом ва Кумуш пластинадан иборат олий мукофот топширилишини айтиши мумкин.

1966 йил 30 майда Алкала университетида имзоланган Битим ва 1995 йил 18 сентябрда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети билан имзоланган Битим-Келишиш асосида иккала томонлар ҳамкорлик қилиб келмоқдалар ва ўзаро талабалар алмашуви амалга оширилаяпти. Ҳозирда ЎзДЖТУ Испаниянинг Алкала де Энарес, Гранада ва Малага университетлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Президентимиз И.Каримов ташаббуси билан университетда ташкил қилинаётган Халқаро испан-ўзбек қўшма факультети Испания-Ўзбекистон ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

***Эргаш ЗОКИРОВ,***
***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси***





***Умид ниҳоллари — келажак маёқлари!***

***Умид ниҳоллари — Ўзбекистонимизнинг нурафшон, беғубор, ойдин тонглари!***

# НУРАФШОН ТОНГЛАР САРИ...

**Умид ниҳоллари — келажаги буюк юртнинг қобилиятли ва иқтидорли ёшларининг салоҳиятини намойиш этадиган, улғайиш пиллапоялари акс этадиган нурли кўзгудир! Ўзбекистон тарихида ўчмас из қолдирадиган, жорий йилда иккинчи маротаба ўтказилиши мўлжалланган спорт ўйинларига кўҳна ва навқирон Хоразмда қандай тайёргарлик кўрилмоқда? Ана шу ҳақда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Пўлат Ўрозов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:**

**— Баҳорий байрамлар, кўклам шукуҳи билан уйғунлашиб кетадиган фаслда республика миқёсидаги катта тадбир ҳисобланган “Умид ниҳоллари — 2003” спорт мусобақаларининг мумтоз куй-қўшиқлар макони, моҳир ҳунармандлар эли, “Авесто”дек муқаддас китобни дунёга берган замин тупроғида ўтказилиши ҳар бир хоразмлик учун чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотиши табиий. Ўзбекистонимизнинг турли гўшаларида яшаётган, бугун мактаб партасида ўтириб дунёвий илмлар олишга иштиёқманд ўсмирнинг шу миллат қадри ва қимматини учун, шу юрт иқболи учун улкан майдонларда курашга шайланаётган, ўзидаги ноёб қобилиятни намойиш этишга ошиқаётган ўғил-қизларнинг Хоразм тупроғига ташрифи улуғ иноятдир.**



**Спорт мусобақалари бўлиб ўтадиган майдончалар, стадионлар қайта таъмирдан чиқарилмоқда. Янги-янги ускуналар, жиҳозлар олинмоқда. “Олимпия” ўйингоҳининг замон талабларига мос равишда реконструкция ишлари жадаллик билан олиб борилаётир. Олимпия заҳиралари спорт коллежи маж-муаси воҳа кўркига кўрк бағишлаб қад ростлади. “Гимнастика маркази”да ёпиқ бассейн, ёпиқ теннис корти, волейбол, баскетбол ўйинлари ўтказиладиган катта иккита зал, очиқ спорт майдончасию сув ҳавзаси ёшларнинг жисмонан чиниқишлари, бақувват ва соғлом бўлишлари йўлида фаолият кўрсатаяпти. Шу ўринда, мусобақалар қаерларда бўлиб ўтади, деган ҳақли савол туғилиши табиий.**

**Олимпия заҳиралари спорт коллежи мажмуасида волейбол, футбол, сузиш бўйича, “Бадиий гимнастика” марказида бадиий гимнастика, Паҳлавон Маҳмуд номидаги теннис кортида теннис, “Олимпия” марказий ўйингоҳида енгил атлетика, Урганч Давлат университети спорт мажмуасида кураш, баскетбол бўйича мусобақалар ўтказилади. Энг замонавий жиҳозланган меҳмонхоналар, санаторийлар меҳмонлар ихтиёрига берилади. Уларнинг маҳаллалар фаолиятлари, ҳар бир оила, хонадонлар ҳаёти билан яқиндан танишишлари учун имконият яратилади. Зеро, республикамизнинг энг чекка, шимолий ҳудуди бўлган Хоразмнинг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари борки, бундан меҳмонлар завқ олмоқлари даркор!**



**Спорт беллашувларида ғолиб чиққан иштирокчилар учун “Хива сополи” ҳиссадорлик жамиятида сопол буюмлардан мусобақа эмблемаси босилган махсус совғалар тайёрланмоқда. “Феруз”, “Гуртекс” ҳиссадорлик жамиятларига спорт ўйинларида қатнашадиган ўғил-қизлар учун махсус кийимлар тикишга буюртмалар бердик. Республикамиз вилоятларидан келган ҳар бир ўсмирлару меҳмонлар учун махсус совға, сумкача — ичида ён дафтарча, таклифнома, спортчиларнинг кийим-кечаги, шапкача ва йил тақвими, журнал, вилоят газетасининг “Умид ниҳоллари — 2003”га бағишлаб чиқарилган махсус сони тақдим этилади.**

**Улкан бунёдкорлик, яратиш ва яшнатиш иштиёқида Она заминдан дуру гавҳар ундиришга интилаётган, юртбошимиз таъбирлари билан айтганда “ҳар бир куни қаҳрамонлик бўлган” Хоразм деҳқонининг, ҳунарманду санъаткорининг, зиёлисию ишчи-хизматчисининг, барчанинг нигоҳи улкан тантаналарга қаратилган. Мумтоз мусиқалару замонавий қўшиқлар “Умид ниҳоллари — 2003” иштирокчилари учун янграйди! Шу айём муносабати билан Хоразмда улкан тўй, тантана бўлади. Завқли ўтажак онлар эса ватандошларимизнинг хотираларида ёрқин из қолдиради, деган умиддаман.**

***Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА***
***суҳбатлашди.***

*Milliy o'yinlar*

# АРҚОН ТОРТИШ ЎЙИНИ

## бола фикрини уйғотиш, ғайратини қўзғатиш услуби

*Табаррук кекса оналаримиз “чақалоқни орқа томонидан белини бағрингизга босиб, бир қўл билан қучоқлагандек, иккинчи қўл билан унинг оёқларини ер томонга осилтирган ҳолда кўтаринг, токи кўзи билан томоша қилаётган олам билан танишиш имкониятидан мукаммал фойдалансин” маъносидаги маслаҳатни эслатиб туришар эди. Чақалоқ кўтаришнинг бундай ижро этилиши икки томонлама фойдали. Яъни 9 ойлик умрини она қорнида ёруғликни билмай ўтказган, тезроқ ва кўп кузатишга қизиқувчан бола учун зарурий эҳтиёж, иккинчидан чақалоқнинг оёқлари ва қўлларини анча кенг амплитудада ҳаракатлантириш имкониятини беради, бошини эса ўнг, чап ва тўғрига, юқори ҳамда пастга қаратиб ёруғ дунё билан танишиш горизонтини оширади. Миллий ўйинлар чақалоқда кўриш, ушлаш, тамшаниш каби кўп хил истакларини вақтида уйғотади. Бола сезги органларини баҳор кўкатларидек ўстириш хилма-хил тарбия воситаларининг ўз вақтида ишга солинишини талаб қилади. Арқон тортиш ўйини ушбу тарбиявий ишнинг бир намунасидир.*

*Арқон тортиш ўйини иштирокчиларнинг ёши, жинси, жисмоний тайёргарлик ва ривожланиш даражаси, вазнига, куч кўрсаткичларига қараб, “тенг-тенг билан” шарти асосида ташкил этилади. Кучи ва ёшида фарқи кам бўлса, ўзаро келишиб мусобақада иштирок этишлари мумкин. Ҳар томондан 2-7 киши — беллашувида: 2 кишидан иборат жамоалар орасидаги вазн фарқи бир килограммгача, 3 кишилик 1,5 кг, 4 кишилик жамоада 2 кг, 5 кишилик жамоада 2 кг, 6 кишилик жамоаларда 2,5 кг, 7 кишилик жамоаларда 3 кг. гача фарқ бўлиши мумкин.*

*Ушбу ўйинда 11 ёшгача қиз ва ўғил болалар биргаликда, 12 ёшдан бошлаб эса алоҳида жамоа бўлиб мусобақа ўтказадилар.*

*Арқон тортишда ёши ва вазни кам бўлишига қарамасдан юқори кўрсаткичга эришганлар кучи ва вазни каттароқ болалар билан мусобақа ўтказишлари мумкин. Беллашув охирида ҳакамлик қилувчи “бу мусобақадошлар кўнгли очиқ, ҳимматли, тарбияси ҳавас уйғотадиганлардир, буларга ўқишда, спортда муваффақиятлар тилайман” деб кўнгилларини кўтариб, ўзаро муносабатларининг янада аҳил бўлишига ундайди. Спорт ишқибозларини ҳимматли бўлишга, кучи ҳозирча камроқларини дадил бўлишга, ўзига ишониб мақсад сари олдга интилишга даъват қилади, спорт ривожига қаратилган ёрқин муҳитнинг янада авж олишига кўмак беради.*

*Мусобақа қоидаларини сўзсиз бажариш тартиби давлат миқёсида жорий этилган бурч ва қонунлардек эътироф этилиши шарт: Арқон тортиш ўйини (ва бошқа миллий ўйинлар) қоидалари орқали болалар ана шу нарсаларни ўз фаолиятларида аста-секин моҳиятини англайдилар. Миллий спорт ўйинлари билан ёшликдан шуғулланиш болалар тарбиясини янги босқичга кўтаради, улар боғча, мактаб ёшига етгунча халқ севган, ардоқлаган ўйинлар билан шуғулланиб ақлий-жисмоний ва маънавий жиҳатдан салмоқли бойликка эришадилар.*

*Мустақиллик қўлга киритилгандан бери ўтказилган 10 дан ортиқ республика миллий спорт ўйинлари мусобақаларида арқон тортиш мусобақаси энг қизиқарли ва ҳаяжонли ўтади. Бу мусобақаларга бағишланиб ўтказилган назарий, амалий конференцияларнинг деярлик барчасида арқон тортиш спорти масаласи қизғин музокаралар мавзуига айланади. Туманлар, вилоятлар, мусобақага яқин қишлоқлардан томоша қилиш учун неча минглаб томошабинлар тўпланадилар. Каттаю кичик, ёшу қари ўйинларнинг бошидан охиригача зўр қизиқиш билан кузатиб, баҳсларда ғолиб бўлганларни қизғин чапак ва қувонч изҳор қилиб олқишлайдилар. Миллий спорт ўйинларини замон талаблари босқичига кўтаришда кўп ишлар қилинди. Миллий спорт мусобақаларини республика, вилоятлар, туманларда ўтказиш анъанаси энди қишлоқларда ўтказишдек ҳолатда кенгайди. Навбатдаги вазифа ўйин қоидаларини замонавий талабларга мослаш. Текис мусобақа қоидалари спортчини ҳаракатланиш маҳоратини тўла намойиш этишга, мусобақа якунини чиқаришда ўз фикрини изҳор қилишга имконият берадиган бўлсин; арқон тортиш мусобақасининг майдони, мусобақа анжоми, спортчининг формаси — кийими аниқ белгилансин; мусобақада спортчини жароҳатланишдан эҳтиёт қилиш масаласига аниқлик киритилмаган. Ўйинда такрорланиб турадиган ҳужум ва ҳимоя ҳолатида ҳар икки жамоа биргаликда ён томонга йиқиладилар. Маълумки ҳар томондан 7 кишидан жамоа бўлиб ўйнаганда энг кучли, вазни оғир спортчи арқоннинг охирида, арқон доираси ичига қулай ҳолда жойлашади. Қарши томоннинг энг кучли ва оғир спортчиси ҳам арқоннинг иккинчи томони охиридаги доира ичига жойлашади. Ажрим чизиғининг энг яқинида томонларнинг биринчи қатордаги икки спортчиси — бири арқоннинг ўнг, иккинчиси чап томонидан ушлайди. Булардек, орқадагилар ҳам арқон бойлами доираси ичида шундай ўтириб оладилар. Ораларида яна иккитадан спортчи арқоннинг ўнг ва чап томонидан ушлаб жойларини эгаллайдилар. Мусобақани бошлаш буйруғи берулгунча, томонлар арқонни ҳар икки қўллари билан қаттиқ ушлаб тайёр турадилар. Бошлаш сигнали берилиши билан орқадаги энг кучли спортчилар томонга қараб арқонни тортадилар. Ҳар икки томоннинг арқонни жуфт бўлиб тортувчилари арқонни тортиш билан биргаликда жамоа мувозанатини сақлаш вазифасини ҳам бажарадилар. Бунинг учун улар ўз шериклари ҳаракати, интилишида бир яхлит мақсадга — қарши томонни судраб ғалаба чизиғининг иккинчи томонига олиб ўтишга, жамоаларининг чайқалиб кетмаслигига кафиллар. Чунки улар мусобақа давомида муттасил ҳаракат қилмоқдалар. Бундай амалий синовдан ўтказиш машқлар давомида спортчи маҳоратига сайқал беради. Мусобақада бир томонда туриб куч сарфлаганлар 7 киши бўлса, булар мусобақа вақтида ўзларини 7 эмас, бир эканликларини бир тандек ҳис қилсалар, яхши натижага эришиш мумкин. Беллашувгача арқон тортувчилар оёқ кафти, товони, тиззадан пастки ва устки томони пай ва мушакларини, бел, елка, тирсак, кафт ва бармоқлар мушак ва пайлари кучи ва чидамлилигини ошириб боришлари шарт. Мусобақада ютиш жамланган кучларнинг кичик устунлиги билан ҳал бўлади.*

*Спорт ўйинларининг якка-якка мусобақа хиллари ҳар бир спорт мухлисининг шахсий тайёргарлиги, маҳорати камол топишига, чиниқишига хизмат қилади. Кўпчилик жамоа бўлиб бутун жамоа кучи, маҳорати, изланувчанлиги натижаси сифатида бошқача баҳоланади. Бу фарқ спортчи, томошабинлар руҳида, фикрида ўзгача из қолдиради. Ёшлар ҳар томонлама ривожланган, баркамол инсон бўлиб ривожланишлари учун жамоа бўлиб ўйинда иштирок этишни, яккама-якка баҳс тушиш билан бирга қўшиб амалга ошириш фойдали.*

*Жумладан арқон тортишнинг барча турларини ҳам ўйнаб туриш ҳаёт сўқмоқларида тўғри хулосага келишда оқилона жавоб топишга йўл очади.*

***Ф.НАСРИДДИНОВ,***
***профессор***

*Ҳозирги кунда олимлар вақтнинг энг кичик масштаби $10^{44}$ с эканлигини аниқладилар. Бу қиймат вақтнинг кванти бўлиб, уни хронон, деб аташ қабул қилинган.*

*Булбулнинг булбулга ҳасад қилиши ўша замонларда ҳам бор эди, болам. Мен айтаман, не кераги бор экан, ахир шусиз ҳам одамнинг умри ниҳоятда қисқа-ку!..*



# КЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

**(Дам олиш саҳифаси)**

*Bilasizmi?*

# ВАҚТНИНГ НИМАЛИГИНИ ВАҚТ КЎРСАТАДИ

Қадимда замонамизнинг буюк донишмандлари вақт нима, деган саволга жавоб топишга роса уринишган. Жумладан, инглиз физиги Исаак Ньютон вақтни абсолют, ўзгармас ва бир меъёрда ўтади, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга фазога бўшлиқ сифатида қараб, уни ҳамиша ва ҳамма жойда бирдай турувчи ва ҳаракатсиз, деб таъкидлаган. Аммо, Ньютоннинг ушбу классик механика тўғрисидаги қонунлари фақат инерциал саноқ системалари учунгина тўғри эканлиги кейинчалик, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси яратилганидан сўнг маълум бўлди.

1915 йилда немис физиги Альберт Эйнштейн умумий нисбийлик назарияси (У.Н.Н.)ни ишлаб чиқди. Унга кўра, биринчидан, фазо ва вақт (аниқроғи, фазо-вақт) бир-биридан мустақил ҳолда мавжуд эмас. Иккинчидан, гравитацион майдон қанча кучли бўлса, шу майдон ичида вақтнинг секинлашиши рўй беради. Буни Эйнштейн томонидан таклиф этилган қуйидаги хаёлий тажриба ёрдамида тушунтириш мумкин. Иккита бир хил соат олиб уларни w бурчакли тезлик билан айланувчи дискнинг марказидан ҳар хил R масофаларга қўйсак, ташқарида турган кузатувчи учун диск устидаги соатлар унинг соатига қараганда орқада қолади. Соатлар диск марказидан қанча узоқда бўлса, орқада қолиш шунча кўп бўлади. Боиси шуки айланувчи дискада $mw^2R$ марказдан қочма инерция кучи ва унга мос келувчи $w^2R$ "сохта" (дискнинг айланиши натижасида юзага келган хусусий гравитацион майдон) гравитацион майдон юзага келади, диск марказидан узоқлашган сари бу майдон R га мутаносиб равишда ортади, шунинг учун юқорида айтилган соатлар кўрсаткичининг орқада қолиши кузатилади. "Сохта" гравитацион майдонда вақт ўтишининг секинлашиши (соат юришининг секинлашиши эмас), гравитацион майдон ортиши билан эффектнинг ҳам ортиб боришидир. "Ҳақиқий" гравитацион майдонда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Массив жисм, масалан, Қуёш, Ер ёки Ойнинг тортишиш майдонида вақтнинг ўтиши секинлашади, майдон кучли бўлган жойларда бу эффект сезиларлироқ бўлади. Масалан, Қуёш сиртида майдон кучли бўлгани сабабли, вақт Ер сиртидагига қараганда секинроқ ўтади. Ер сиртида эса Ой сиртидагига қараганда секинроқ ўтади. Майдон ҳосил қилувчи жисмдан узоқлашган сари майдон заифлашади ва айни пайтда вақт ўтишининг секинлашиши ҳам камайиб боради.

Ҳозирги кунда олимлар вақтнинг энг кичик масштаби $10^{44}$ с эканлигини аниқладилар. Бу қиймат вақтнинг кванти бўлиб, уни хронон деб аташ қабул қилинган.

Маълумки, фазо шундоқ бўш бўлиши мумкин эмас. Унинг моддий хусусияти шундаки, ҳатто бирор нарса йўқ пайтда ҳам у (фазо) энергия майдони билан тўлган бўлади. Вақт ҳам худди бўшлиққа ўхшаш нима биландир тўлган бўлиши керак. Балки, у аниқ хусусиятга эга ва эҳтимол, бизнинг оламимизда рўй бераётган жараёнларга ўз таъсирини ўтказиши аниқдир...

Гап шундаки, фанда ҳозиргача номаълум бўлган "вақтда адашиб қолиш" ҳодисасига тушган кўпчилик кишилар бундан 100-200 ва ҳатто 500 йил илгариги воқеаларнинг гувоҳи бўлишган. Жумладан, ўз сирини ҳалигача ҳеч ким билан "ўртоқлашгиси келмаётган" Бермуд учбурчаги ёнидан ўтаётган саёҳатчилар ҳам бундан бир неча йил илгари самога кўтарилган ва ҳозирда ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетган самолётни кўришган. Қизиғи шундаки, самолёт қулаган жойда ҳеч қандай шовқин ёки тўлқин кузатилмаган, ваҳоланки, самолёт саёҳатчилардан бир неча ўн метр нарида сувга "шўнғиган".

Хуллас, вақт ҳақида Эйнштейндан кейин ҳам талайгина олимлар бош қотиришмоқда. Аммо, унинг хусусиятлари ҳалигача узил-кесил ҳал этилгани йўқ. Дарвоқе, Эйнштейн илгари сурган нисбийлик назариясини замондошларидан 20 кишигина тушуниб етган. Унинг ўзи эса нисбийликни жуда оддий мисол орқали тушунтиради: "Агар сиз гўзал қиз билан бир соат вақтингизни ўтказсангиз, сиз учун бу вақт бир дақиқага тенгдай туюлади. Агар бир дақиқа қизиб турган тош устига ўтириб кўринг – дақиқангиз бир соатга татийди. Мана шуни нисбийлик дейишади. Бу мен учун жуда ишончли жаранглайди. Бироқ, ушбу тушунтиришга шубҳа билдириб, уни текшириб кўрмоқчи бўлсангиз, марҳамат — сиз қизиган тош устида ўтиринг, мен эса гўзал қиз билан бир дақиқа суҳбатда бўламан".

Ҳа, нисбийлик назариясининг бундан-да соддароқ ифодаси бўлмаса керак, Буни Эйнштейн жуда устамонлик билан, маромига етказиб ифодалаган. Нима ҳам дердик, ҳар қалай Эйнштейн — Эйнштейн-да...

Аммо, ВАҚТ нима деган савол, барибир, очиқ қолмоқда.

**Эркинжон ЯРАШЕВ,**
**Ғиждувон шаҳридаги 1-мактабнинг физика фани ўқитувчиси**

# ТАРОЗУ ҲАҚИ

Бу дунёнинг ўзи аслида бозор, биров харидор, биров сотувчи. Шоир таъкидлаганидек, молим ёмон, деган кимсани минг айланиб, минг ўргилсанг ҳам тополмайсан. Айбини айтса, мол ўтмайди, бу — бозорнинг минг-минг йиллик ақидаси. Бозор оралаб юриб, шоир айтган гап нечоғлик рост эканлиги кўнглимдан ўтди.

Рўзғор ташвишида тез-тез бозорга тушиб, харидор бўламиз. Сабзавот, мева, полиз экинлари, гўшт, сариёғ, пишлоқ, қўйингки, шаҳарда яшагач, ошкўкларни ҳам саралаб, савдолашиб, қимматроқ туюлса, бошқасидан харид қилишга одатланганмиз. Бозорда олувчи ҳам кўп, сотувчи ҳам. Ҳар бир товарнинг харидори бор, ўтмайдиган молнинг ўзи йўқ. Сотувчининг шундоқ ёнидан ўтиб кетсангиз ёки нархини сўрасангиз бўлди, бир зумда қўлингизга тутқазиб қўя қолишади. Бу табиий ҳол, аслида бозорнинг қонунияти ҳам шу. Кимдир сотади, кимдир харид қилади.

*Afsus*

Гарчанд қиш бўлишига қарамай, бозорлар мева-чева, сабзавотга лиқ тўла. Инсоннинг яшаши учун ва саломатлигини сақлаб юришида ҳаммасиям керак, фойдали.

Пештахталарда эса турли тарозулар: бири паллали, бири осма, бири рақамли. Оддий харидор сифатида бозор оралаб юрардим. Шу пайт тарозида олма тортаётган аёлнинг ёнига келган эркак бутун бозорни бошига кўтаргудек бақира кетди:

— Тарозидан уриб қолишга уялмайсизми? 2 кило деб берган олмангиз 1,5 килога зўрға тош босди. Ҳар бир одамдан ярим килодан уриб қолаверсангиз, топганингиз буюрармикан, опа? Тарозу ҳақи ёмон бўлади-я?

Аёл каловланиб, нима қиларини билмай қолди. Олма харид қилишга чоғланиб турган кишилар унинг бундай "ҳунари" борлигини билмай жуфтакни ростлашди. Афтидан, бу ҳолат аёлга "янгилик" эмасди шекилли, образга киришган актрисадек ялтоқлана бошлади:

— Йўғе, бунчаликка адашмасди-ку, 100-200 грамм фарқи бўларди.

— 100-200 грамм урсангиз майли экан-да! Ҳе, ўргилдим касбу корингиздан! Агар шу тариқа болаларингизни боқаётган бўлсангиз, сизнинг жазоингизни фақат Оллоҳ берсин!

Ҳалиги киши зиёлинамо бўлса ҳам, жаҳлдан ўзини босолмас, гап ярим кило олмада эмас, балки аёлнинг ўзига ўхшаган юзлаб харидорлар ҳақига хиёнат қилаётганидан бутун қалби нафратга тўлганини намоён этмоқда эди.

— Келинг ука, жанжал қилманг, тўртта олма экан-ку, шунга шунчами? — вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатига тушган аёл харидор билан муросасозлик қилиш йўлига ўтди. Аёл беш дона олмани ҳалиги кишининг сумкасига солса ҳам "ловуллаган" олов ўчай демасди.

— Ҳаммангизнинг қўлингизда "китайский" тарози. Наҳотки, сизнинг тирикчилигингиз алдаб пул топиш бўлса! Буни сира кечириб бўлмайди. Тегишли жойга мурожаат қилиб, сизларнинг танобингизни тортиб қўйиш керак.

Даҳанаки жанг тобора авжига чиқарди. Аёл яна бир нечта олмани йигитнинг сумкасига солмоқчи бўлган эди, қаттиқ қаршиликка дуч келди:

— Менга сизнинг ортиқча ҳақингиз керак эмас, опа! Керак бўлса пулини тўлаб оламан. Тарозингизни тўғри ишлайдиганига алмаштиринг, йўқса...

Жанжалкаш шу сўзлари билан баҳсга нуқта қўйди. Уларнинг мунозарасини кузатиб турган бозорчиларга мавзу ҳам топила қолди. Бири йигитни қоралай кетди, бири аёлни. Лекин қайси бирики йигитнинг устидан мағзава ағдарган бўлса, сиз унга ён босмаган бўлардингиз. Чунки у ҳаромдан ҳазар қилмайдиган киши бўлганида, аёл хушомад қилиб, узатган олмани рад этмасдан олар ва йўлига жимгина равона бўларди.

Тарозу ҳақи тўғрисида гап кетди. Бу оддий гапдек кўрингани билан тагида улуғ ҳикмат борлигини кўпчилик билмаслиги ҳам мумкин. Муқаддас китоб — Қуръону каримнинг "Мутаффифун" сурасида таъкидланадики, "Ўлчов ва тарозидан уриб қолгувчи кимсаларга ҳалокат бўлғай. Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир".

Тарозудан урганни худо уради...

*Xiyonat*

# БУЛБУЛНИНГ БУЛБУЛГА ҲАСАДИ

**(Раҳматли Эшқувват Норбой ўғлининг нақлидан)**

*"Илгари яшаб ўтган қариялардан эшитганим бор: Бўрон бахши аслида қўралослик бўлган. Ота-онадан жуда эрта ажралиб, етимликнинг азобларида хўп қийналган. Кимнингки, нимаики хизмати бўлса, ҳалол уддалаб, ризқу насибасини топиб еган. Қаерда тўй-маърака бўлса, Бўрон бахши ўша ерда ҳозиру нозир эди. У "Бахши келибди" деган хабарни эшитиши билан оёғини қўлига олиб етиб борар экан. Шўрликнинг етимчалигини юзига солиб, айрим ўзига бино қўйган одамлар уни даврадан жеркиб, чиқариб юборишарди. Бу ҳол кичкина Бўронга дард қилар, ҳўрсинар, ота-онаси йўқлигидан эзилиб, хун-хун йиғлар, бошини силайдиган бир меҳрибонга зорлиги уни руҳан мағлуб ва мажруҳ этиб қўйганди.*

*Кунларнинг бирида у бойнинг жўхорисини ўрарди. Уватда ухлаб қолиб, туш кўрибди. Тушида бир мўйсафид ундан сўради: "Манглайингга берайми, танглайингга?" Бўрон ҳеч иккиланмай танглайимга, деб жавоб қилибди. Шунда ҳалиги нуроний "Оғзингни оч!" деб унинг "оғзига тупуради".*

*Бехосдан уйғониб кетадию, худди ўнгида рўй бергандек туш таъсирида қолади. Ўша кундан бошлаб унинг қалби мавж урган дарёдай тошиб, гўёки булбулга айланади. Бахши бўлишни кўпдан бери орзу қилиб юрган йигитни худо ниятига етказади.*

***Баланд-баланд чўққида***
***қуш ўлтирур,***
***Камбағаллик бошга кулфат***
***келтирур.***
***Камбағал бўлсанг ҳам***
***йўлингда рост юр,***
***Ҳар муродинг бўлса, Оллоҳ***
***еткурур***

*дея, ўз тақдиридан сўзлар шодасини тузиб куйларди Бўрон бахши.*

*Энди унинг ошиғи олчи, таклиф қилувчилар, ҳурматини жойига қўювчилар кўпайиб борарди. Овул ва қишлоқларга-да бахшининг таърифи кетди. Тўй ва йиғинларнинг тўри уники, иззат-ҳурматни-ку қўяберинг. Емоқ-ичмоқ, киймоқдан ҳам ками йўқ.*

*Дўстларидан бирининг таклифига биноан, Бўрон бахши катта тўйга борди. "Кунтуғмиш" достонининг кўнгил юмшатар ўринларини дўмбирада шунчалик қойилмақом куйладики, тўйга хурсандчилик учун келганларнинг дийдаси қаттиқлари ҳам юм-юм йиғлашди. Тўдадан кимдир чиқиб, ўртага белбоғ ёзди. Бу булбулдай сайраган бахшига кимнинг атагани бўлса, марҳамат, ҳимматига яраша ташласин, дегани эди. "Кунтуғмиш" тобора авжига чиқар, белбоғда ҳам пул уюлиб борарди. Тўй эгаси бахшига тўн кийдириб, яна катта инъомлар берди. Ҳотамтой кишилардан бири Бўрон бахшига мард кетиб, от ҳадя қилиб юборди. Бахши ноқулай аҳволда қолиб, ҳалиги белбоғдаги пулларни от эгасига тутқазди. Ҳотамтой бу пулга зор эмасди. Аммо бахши ҳам унинг ҳадясини текин олиб кетишни истамасди. Охири ҳоли-жонига қўявермагач, от эгаси пулнинг ҳаммасини эмас, ярмини олишга рози бўлди.*

*— Пулни ким кўради, оғайни, отни эса ҳамма кўради, — дея бахши эгар-жабдуқли, кўкка интилмоқдай бўлиб турган арғумоқни миниб, она қишлоғи Қўралосга қайтди.*

*Чор-атрофга тобора донг таратаётган бахши гоҳ у, гоҳ бу тўйда кўринар, "Кунтуғмиш", "Алпомиш", "Юсуф ва Зулайҳо"ни куйлаб, ўз мухлисларини дам кулдирар, дам йиғлатар, обрў-эътибори эса кундан-кунга, ойдан-ойга ошиб борарди. Митаннинг Нағарчи қишлоғига тўйга борган ва бир кеча-кундуз дўмбираси билан куйлаб, барчани ўзига ром этган Бўрон бахшига омад кулиб боқди. Тўй соҳиби ўз қизини унга никоҳлаб берди.*

*Орадан вақт ўтиб, бахши ўғил кўрди. Исмини Ади деб қўйишди. Ўғли бахши бўлолмади. Адининг қизи Нортожи қўралослик Эсиргап Холмурод ўғлига турмушга чиққан. Аммо ундан зурриёд қолмаган, дейишади.*

*... Ўша кезларда, яъни ўтган XX асрнинг бошларида бахшилар мактаби анча-мунча шаклланган эди. Бўрон бахшига Жўш мавзесидан бошқа бахши шоирлар ҳам шогирд тушган.*

*Бўрон бахшига аслида шогирд бўлган, унга ҳавас билан қараган, кейинчалик ана шу ҳаваси ҳасадга айланган шогирдларидан бири шайтон амри билан... ўз устозига сурма ичиришнинг пайига тушди. Нияти вожиб бўлди. Бўрон бахшининг овози сўниб, рангу рўйи сомондек сарғайиб, узлатга рихлат қилди.*

*Булбулнинг булбулга ҳасад қилиши ўша замонларда ҳам бор эди, болам. Мен айтаман, не кераги бор экан, ахир шусиз ҳам одамнинг умри ниҳоятда қисқа-ку!..*

*1981 йил май".*

*Отахоннинг гапларини мен ҳам бош ирғаб маъқуллайман...*

***Ҳулкар ТЎЙМАНОВА***

*Xullas...*

## 22 МИНГ ДОЛЛАРГА ТУШЛИК

Лондондаги "Ле Гаврош" ресторанига кирган уч улфатнинг биргина тушлик учун 22 минг доллар сарфлашганига балки ишонмассиз, аммо бу рост гап, деб хабар беради Буюк Британияда чиқадиган "Сан" газетаси.

Таомларга улар бор-йўғи 399 доллар сарфлашди. Аммо, ичимликларнинг нархи шу қадар "чақадиган" эдики, биргина "Романи Конти" виноси 8500 доллар турарди. Ресторан ходимлари 1899 йилдан бери сақланаётган винонинг харидорлари топилганидан хурсанд. "Крюг" шампан виноси 999 доллар. Яна қанақадир винолар 2249, 3900 доллар туришини айтганларида, уч улфат елка қисишиб, бир-бирларига қараб қўйишди. Бразилия ва Гавана сигареталарига ҳам қанчадир доллар унадиган бўлди.

Энг қизиғи шундаки, ресторанга кирган қадрдонлар талаба эди. Очиғи, уларда шунча миқдордаги доллар ҳам йўқ. Нима қилиш керак? Еган-ичганларининг бари пул, тўламаслик эса номардлик. Шундай қилиб, ресторан ходимлари 22 минг долларни учаласига теппа-тенг тақсимлаб, уларни уй-уйларига элтиб қўйишди. Тушлик пули эса ота-оналаридан ундирилди.

## БОШ БАРМОҚ ЎЛЧОВИДАГИ ЭТИКЧА

Коми Республикасидаги этик ишлаб чиқарувчи фабрика бош бармоқ ўлчовидаги миттигина, киши кўрса кулгуси қистайдиган оёқ кийими яратди. Қаттиқ совуқда кийишга мўлжалланган бу кигиз этикча фақат Барби қўғирчоғининг оёғигагина тўғри келади.

Фабрика директори Александр Шкодник журналистларга берган интервьюсида, бу Америкадаги фирмалардан бирининг буюртмаси эканини таъкидлайди. Бундан икки йил муқаддам фабрикага ташриф буюрган америкалик тадбиркор жажжигина этик нусхасини кўриб, минг дона буюртма берган эди. Ўша этикчалар Барби қўғирчоғининг оёқчаларига қуйиб қўйгандек мос тушди.

Ўйинчоқнинг иссиққина оёқ-кийимини фабрикада 40 йилдан бери ишлаб келаётган усталар ясашмоқда. Ҳар бир этикчага 10 грамм жун лозим бўлади ва у бор-йўғи... 4 соат мобайнида тайёр ҳолга келади.

Шунақа, қўғирчоқ жонсиз вужуд бўлгани билан уни дунёга келтиришнинг анча-мунча машаққатлари бор.

*ana shunaqa gaplar*

# "М" БОШҚОТИР...МАСИ

**Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| С | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М | М |
| А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | А | Е | Е | Е | И | И | И | О | О | О | У | У | У |
| Б | В | Г | Д | Ж | З | И | Й | К | К | Л | Н | Р | Р | Р | Р | С | Т | Ш | Ш | Ш | Ғ | Ҳ | Ш | Ҳ | Ҳ | Л | Н | Р | Д | Ж | С | С | Ф | Ҳ |
| И | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| А | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Т | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| И | Д | Р | С | И | С | П | Ш | И | С | Р | Р | З | И | К | Д | О | И | Р | И | Б | Д | Р | Т | В | И | И | И | Н | Д | С | З | Т | Р | У |
| А | О | О | О | Я | О | О | И | А | О | У | А | О | Н | О | О | Б | Д | А | Ч | И | О | О | О | У | Т | Ф | Ж | А | О | А | А | О | А | Н |
| Т | Н | Н | М | Т | Р | Н | Й | Т | Р | С | К | Б | А | К | Н | А | А | М | А | Й | Р | Қ | К | З | А | А | А | М | Р | Т | Р | Л | К | Ь |

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ СИФАТЛИ МЕБЕЛЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗАДИ**

ЭЪЛОН

**Тендерда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш шарт:**

Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида банкнинг маълумотномаси; Маҳсулот сертификати ва санитария паспорти;

Нарх-наво бўйича ва 2003 йил 1 июлгача маҳсулотни етказиб бериш имконияти ҳақида таклифлар;

Халқ таълими вазирлиги "Ўқув Таълим Таъминот" Бош бошқармасининг 20210000500101561001, Меҳнат бўлими ЖСБ Тошкент ш., МФО 00423, ИНН 200524742, ОКОНХ 71100 ҳисоб рақамига бўнак ўтказилганлиги ҳақида тўлов хатининг нусхаси. Бўнак миқдори таклиф этилаётган маҳсулот умумий нархининг 2,5 фоизини ташкил этади.

Тендер таклифлари комиссия томонидан 2003 йил 20 февралдан бошлаб 28 февраль соат 11 гача, фақат иккиланган конвертда, муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

Ташқи конвертда корхонанинг номи, манзили тўлиқ кўрсатилган ва унга банк маълумотномаси, буюм сертификати ва санитария паспорти, тендер қатнашчиси бўнак киритганлигини тасдиқловчи ҳужжат солинади.

Ички конвертга тендер таклифлари, буюмлар рўйхати ва унга қўйилган нархлар кўрсатилган ҳужжат жойланади.

Тендерга 2002 йил 1 августдан кейин рўйхатдан ўтган ташкилотлар қўйилмайди. Шу сабабли тендер қатнашчилари керакли органлар томонидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномани ҳам тақдим этадилар.

Тендерда қатнашиш учун маҳсулот намуналарини 2003 йил 20 февралдан бошлаб 28 феврал соат 11 гача "Ўқув Таълим Таъминот" Бош бошқармасининг 700077, Тошкент шаҳар, Сайрам 3-берк кўчаси, 92-уй кўргазмалар залига қўйилади.

***Мурожаат учун манзил:***
***700077, Тошкент шаҳар, Сайрам 3-берк кўчаси, 92-уй***
***Тел: 67-28-00, (факс) 67-28-70.***

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-28.
Тиражи 31225 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Нурлан УСМОНОВ,
Навбатчи:
Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.*
*Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.*
*Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 1.00